**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ,**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АБДУФАТТАЕВ АВАЗЖОН АХМАДЖАНОВИЧ, САЛИЕВА МАНЗУРА ХАБИБОВНА, ЮСУПОВ ҚАХРАМОН МУХИДДИНОВИЧ**

**Билим соҳа-ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш-50000**
**Таълим соҳаси - 510000**

**“Соғлиқни сақлашни бошқариш”**

**фанидан**

# Ахоли саломатлиги статистикаси

## ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Даволаш иши – 5510100
Педиатрия иши – 5510200
Магистратура соғлиқни сақлашни бошқариш- А5510515
таълим йўналишлари учун

**Андижон 2016 йил**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ,**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АБДУФАТТАЕВ АВАЗЖОН АХМАДЖАНОВИЧ, САЛИЕВА МАНЗУРА ХАБИБОВНА, ЮСУПОВ ҚАХРАМОН МУХИДДИНОВИЧ**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
АДТИ ўқув ишлари бўйича проректор
______________ И.И.Алимджанов
«______»____________ 2016 йил
№_______ баённома

**«КЕЛИШИЛДИ»**
Тиббий биологик фанлар бўйича
муаммолар хайъати раиси
__________А.А.Абдуфаттаев
«________»__________2016 йил
№_______ баённома

# ““Соғлиқни сақлашни бошқариш”

# фанидан

# Ахолии саломатлиги статистикаси

# ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Даволаш иши – 5510100
Педиатрия иши – 5510200
Магистратура соғлиқни сақлашни бошқариш- А5510515
таълим йўналишлари учун

**Андижон 2016 йил**

**Тузувчилар:**

**А.А.Абдуфаттаев** Жамоат саломатлиги кафедраси доценти, т.ф.д.

**М.Х.Салиева** Жамоат саломатлиги кафедраси доценти

**Қ.М.Юсупов** Жамоат саломатлиги кафедраси мудири

**Тақризчилар:**

**Ш.Д.Каримбоев** ТТА,Жамоат саломатлиги кафедраси доценти, т.ф.н.

**Б.Б.Инақова** АДТИ ўқув-услубий бўлим бошлиғи, т.ф.н. доцент

*Мазкур ўқув қўлланма барча тиббиёт олийгохларнинг даволаш, педиатрия факултетлари ва касб таълими (даволаш иши) 3 курс талабалари, магистратуранинг соғлиқни сақлашни бошқариш мутахассисилиги учун мўжалланган.*

Ўқув-услубий қўлланма АДТИ Марказий услубий хайъатида муҳокама қилинди ва Институт кенгашИга тавсия қилинди.
“______”_________ 2016 йил баённома №______

Ўқув-услубий қўлланма Андижон давлат тиббиёт институт кенгашида тасдиқланди.
“______”_________ 2016 йил баённома №______

**Кенгаш котибаси, доцент** **Х.А.Хусанова**

# КИРИШ

Мамлакатимизда Соғликни сақлаш тизимида ислохатларни амалга ошириш давом этаётган ва жамиятда янги давр, бозор муносабатларининг шаклланаётган бир даврда, тизимда мавжуд даволаш-профилактика муассасалар фаолиятини ўрганиш ва тахлил қилиш хамада тизимнинг барча йўналишлардаги фаолиятларини тўғри ва самарали режалаштиришда тиббиёт статистикасининг тўтган ўрни мухим ахамият касб этади. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов жамиятда соғлом авлодни шакллантириш ғоясини илгари суриб, кейинги қатор йиллар ана шу ғоя атрофида, ҳукуматимиз томонидан ўнлаб махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Аҳоли саломатлигини олдиндан илмий баҳолаш, кадрлар тайёрлаш миллий дастўрини тиббиёт сохасида ҳаётга тадбиқ қилиш, зарур шифокорлар ва бошқа тиббий ходимларни тўғри режалаштириш, аҳоли орасида касалланиш, ногиронлик ва ўлимни камайтириш борасида самарали истиқболли дастурларни ишлаб чиқишда амалий тиббий ходимларнинг тиббий санитария статистикасидан етарли даражада билим, малака ва кўникмаларга эга эмасликлари кейинги пайтларда яққол кузга ташланиб қолмоқда.

Мазкур қўлланмани яратишдан асосий мақсад, соғлиқни сақлаш тизимида, жойларда фаолият кўрсатаётган шифокорларни ўзлари ишлаётган даволаш-профилактик муассасасининг фаолиятини тахлил қилиш ва зарур кўрсаткичларни ҳисоблашга, шу билан бирга, аҳоли саломатлигини баҳоловчи асосий намуна кўрсаткичларни ҳисоблашни ва барча мавжуд ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларини тўғри расмийлаштиришни ўргатишдан иборатдир. Айниқса, тизимда янги ташкил этилган қишлоқ врачлик пунктлари, турли хил йўналишдаги марказларнинг, оила поликлиникаси, шунингдек хусусий тиббий муассасаларнинг сон ва сифат кўрсаткичларини, қолаверса аҳолини диспансеризация қилишнинг самара кўрсаткичларини тўғри ҳисоблаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур қўлланмада X Халқаро касалликлар таснифи асосида ишлаб чиқилган тизимда фаолият кўрсатаётган барча турдаги даволаш-профилактика муассасалари, ҳар хил турдаги касалликлар, аҳолининг мурожатлари ва бошқа фаолиятлар бўйича амалдаги шаклларни тўғри тўлғазиш ва шу муассасалар учун зарур кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари мисоллар асосида тақдим этилади. Аҳоли саломатлигини баҳоловчи барча турдаги кўрсаткичларни тўғри баҳоламасдан, касалланиш ва демографик кўрсаткичларни шунингдек даволаш-профилактика муассасаларининг фаолиятини илмий ёки талаб даражасида таҳлил қилмасдан туриб, аҳоли орасида касалланиш, ногиронлик ва ўлим сабабларини камайтириш ёки бартараф қилишга йўналтирилган тадбирларни тўғри режалаштириб бўлмайди. Шу боисдан мазкур қўлланмани яратишда, биз жойларда ташкилий-услубий бўлимларда ишлаётган масъул ходимлар, нафақат ҳисоботларни мутлоқ сонлар билан тўлғазишни, балки жараённи баҳоловчи интенсив, экстенсив, алоқадорлик, яққоллик кўрсаткичларини, шунингдек

ўртача миқдорларни ва корреляция коэффицентларини, динамик қатор кўрсаткичларини тўғри ҳисоблашни, ойлик, йиллик ҳисоботларни ўз вақтида топширишни ўргатишни назарда тутдик.

Ўйлаймизки, ушбу қўлланма Республикамизда фаолият кўрсатаётган барча турдаги даволаш-профилактика муассасаларининг ташкилий-услубий хона ва бўлимларда ишлаётган ходимлар учун дастури амал бўлиб хизмат килади. Мазкур ходимларга, улар аҳоли саломатлигини тўғри баҳолашда касалланиш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини ўз вақтида ва тўғри ҳисоблаб чиқишда, статистиканинг қулай ҳамда соддалаштирилган усулларини ўзлаштириб олишда самарали хизмат қилади.

## Тиббиёт статистикаси ва унинг асосий вазифалари

Статистика-бу жамият фанларидан бири бўлиб, у жамият орасида учрайдиган ҳодисаларнинг миқдор ўзгаришларини, сифат ўзгаришлари билан боғлаб ўрганадиган фандир.

Статистиканинг асосий мақсади аниқ олинган вақт оралиғда маълум минтақалардаги жамият орасида юз бераётган воқеаларнинг катталикларини, миқдор ўзгаришларини, уларнинг келиб чиқиш қонуниятлари билан боғлаб ўрганишдир.

Статистика фани жамият хаётининг қайси сохасига тегишли ходисаларни ўрганишига қараб, у шу сохaнинг номи билан аталади: саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, коммунал хўжалик, суд статистикаси ва ҳоказолар. Жамият фанларидан ташқари статистик услублар биология, кимё, физика фанларида ҳам қўлланилади ва улар биологик, кимё, физик статистикаси номлари билан юритилади.

**Тиббиёт, гигиена, соғлиқни сақлаш билан боғлиқ масалаларни ўрганадиган статистика тиббиёт ёки санитария статистикаси деб аталади.**

Тиббиёт статистикаси инсон саломатлигини унинг ижтимоий хаётини махсули деб қараб, инсон фаолиятидаги барча ҳодисаларни унинг ижтимоий хаёти билан боғлаб ўрганади. Инсон организмидаги ҳеч бир жараён ижтимоий муҳитнинг таъсирисиз рўй бермайди. Бу фақат биологик ва ижтимоий мухитга бевосита боғлиқ бўлган касалланиш, ўлим, шикастланиш, ногиронлик, жисмоний ривожланиш каби кўрсаткичларгагина тегишли бўлиб қолмасдан балки ташқи муҳитнинг ижобий ва салбий таъсири орқали рўй берадиган инсон организмидаги барча реакцияларга ҳам тегишлидир.

Демак, статистика-ижтимоий фан, унинг асосий предмети эса ижтимоий ходисалардир.

Тиббиёт статистикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Аҳоли саломатлигини ўрганиш; аҳолининг сони, таркиби, табиий харакати (туғилиш, ўлим, табиий кўпайиш), жисмоний ривожланиши ва аҳоли орасида хар хил касалликларни тарқаганлиги ва уларнинг кечиши, ўртача умр ва ҳоказолар.

2. Умумий касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини ёки айрим касалликлар ва ўлим сабабларини аҳолининг айрим гурухлари орасида уларнинг турмуш тарзи, ташқи мухит, ижтимоий-иқтисодий, тарихий шарт-шароитлар билан боғлаб ўрганиш ва ўтказилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда аҳоли саломатлигини яна яхшилаш ҳақида аниқ илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш.

3. Соғлиқни сақлашни тўғри режалаштириш, санитария-эпидемиология ва даволаш-профилактика муассасаларининг ишини тўғри ташкил этиш учун уларнинг фаолиятини, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати ва самарасини ўрганиш, тиббиёт муассасаларининг тури, сони, уларда ишловчи ходимларнинг сони, муқим шифохоналардаги ўринлар сони ҳақида маълумотлар йиғиш ва уларни хар томонлама чуқур тахлил қилиш.

4. Тажрибада қўлланилаётган даволаш ва профилактика ишларига баҳо бериш, уларни самарасини ўрганиш.

5. Клиника ва лаборатория шароитида илмий-тадқиқот ишларини режалаштириш, уларни ташкил этиш ва ўтказиш, олинган натижалар аниқлигини баҳолаш, соғлом ва касал одам организмидаги хар хил ҳодиса ва жараёнларнинг қонуниятларини аниқлаш, янги даволаш ва профилактика усулларининг самарадорлигига баҳо бериш.

Тиббиёт статистикаси жамоат соғлиғини сақлаш фанининг асосий бир бўлаги хисобланади ва у ўз навбатида икки қисмга бўлинади: аҳоли саломатлиги статистикаси ва соғлиқни сақлаш статистикаси.

Аҳоли статистикасига юқорида санаб ўтилган масалаларнинг биринчи ва иккинчи бандлари киради.

Соғлиқни сақлаш статистикасига-учинчи, тўртинчи гуруҳ масалалари киради. Бешинчи гуруҳ масалалар эса санитария статистикаси ўрганадиган барча вазифалар орасидан ажратилиб “тиббиёт статистикаси” номи билан аталади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг ва тиббиёт ходимларининг асосий вазифаларидан бири аҳоли саломатлигини, унга таъсир этувчи ташқи мухит, ижтимоий-иқтисодий, меҳнат, турмуш шароитлари билан боғлаб ўрганган ҳолда аҳоли саломатлигини янада яхшилаш, меҳнат қобилиятини, ҳамда уларнинг ўртача умрини узайтиришдан иборат.

Демак, шифокор аҳоли саломатлигини, уни ташкил этувчи ва унга таъсир этувчи ташқи муҳит ва ижтимоий-гигиеник омиллар билан боғлаб ўрганар экан, у аҳолининг хар хил гурухлари орасида касалланиш, ўлим ва аҳоли саломатлигининг бошқа кўрсаткичлари, ҳамда аҳоли турмуш тарзи ҳақида тўғри маълумот йиға билиши ва олинган натижаларнинг ишончлилигига баҳо бериб, уларнинг қонуниятларини очиб бера олиши керак. Бундан ташқари клиника шароитида бемор организмида кечаётган жараёнларни ташқи муҳит таъсиридан ажралмаган ва етакчи омилларни инобатга олган ҳолда ўрганиб, уларга тўғри ташхис қўя билиши, экспериментал лаборатория шароитида эса статистик тадқиқотларни ташкил этиб, олинган натижаларни тўғри таҳлил қила билиши, янги даволаш ва профилактика услубларининг самарасини ва фақат биологик организмга

балки, ижтимоий жамоага таъсирини назарда тўтган холда ўрганиши керак, тиббиётда қўлланиладиган ҳар қандай янгиликларнинг самараси охир оқибатда аҳоли саломатлигининг энг ёрқин кўрсаткичлари бўлган касалланиш, ўлим ва ўртача умр орқали ўлчанади.

Юқорида санаб ўтилган масалаларни хал этиш учун аҳоли саломатлигига таъсир этувчи асосий омилларни аниқловчи ва уларнинг қонуниятларини очиб берувчи, ижтимоий-гигиеник тадқиқотларда кенг қўлланилувчи статистик услубларга мурожаат этилади.

Санитария-статистик тадқиқотларни ўтказиш учун тадқиқотчи унинг назарий асослари бўлган материалистик диалектика, тарихий материализм, иқтисод ва ўтказилаётган тадқиқот соҳасидаги тиббиёт фанлари хақида етарли билимга эга бўлиши керак. Бундан ташқари статистик тадқиқотларнинг умумий назарияси, статистик кузатишларни ташкил этиш, олинган статистик материалларни гурухлаш, жамлаш, хисоблаш қоидалари ва статистик таҳлил усуллари хақидаги билимлар ҳам санитария статистикасининг назарий асосларига киради.

Статистик тадқиқотларнинг асоси бўлмиш математиканинг катта сонлар қонуни ёрдамида статистик кўрсаткичлар тасодифлардан холи қилиниб, жами ўрганилаётган ҳодисаларнинг мохияти, келиб чиқиш қонуниятлари очиб берилади.

**Статистик тадқиқотлар ўтказиш учун айрим холларда кузатувлар сони 10000, 100000 ни ташкил этиши мумкин, баъзан эса 1000, 100, 10 тага тенг бўлган кузатувлар сони тадқиқот ўтказиш учун етарли бўлиши мумкин.** Статистик тадқиқот ўтказиш учун етарли бўлган кузатувлар сонини, олинган натижаларнинг ишончлик даражасини аниқлаш учун математик тахлил усули ва унда қўлланиладиган формулалардан фойдаланилади.

Тиббиёт ва санитария статистикасида математик тахлил усуллари қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

1.Танлаб олинган мажмуа қўлланилган барча тадқиқотларда.

2.Кузатув натижаларини нисбий ва ўртача қийматларда ифодалаш ва статистик таҳлил қилиш талаб этилганда.

3.Барча клиник ва лаборатория шароитида ўтказиладиган тадқиқотларда (нисбатанк кичик кузатувлар сонига эга бўлганда).

Юқорида келтирилган ва айрим бошқа ҳолларда математик таҳлил усулларини қўлламасдан туриб, статистик тадқиқотни тўғри режалаштириш, ташкил этиш ва олинган натижаларни ишончлилигини баҳолаш мумкин эмас.

Хуллас шифокор ўз амалий ва илмий фаолиятида, илмий асосланган танлов ва ҳисоблаш усули бўлган математика-статистик усуллардан фойдаланиш, ижтимоий-гигиеник тадқиқотларни муваффақиятли ўтказиш ва аҳоли саломатлигининг ўзгариши ҳақидаги қонуниятларни очиб бериш, уларга ташқи муҳит таъсирини аниқлаш ва ўтказилган тадқиқотлар ёрдамида аҳоли ёки унинг айрим гуруҳлари (ишчилар, оналар, болалар, ўсмирлар,

фахрийлар ва бошқалар) саломатлигини янада яхшилаш борасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини беради.

**Тиббиёт тизимида статистик ҳисоботларни юритиш шакллари:**

**1.Давлат статистик ҳисоботи:**

1-tibbiyot shakli (йиллик) «Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар фаолияти тўғрисида ҳисоботи».

2-tibbiyot shakli (йиллик) «Ҳомиладор, туғадиган ва туққанларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ҳомиладорликни тўхтатиш ва контрацепция воситаларидан фойдаланиш тўғрисида ҳисоботи».

3-tibbiyot shakli (йиллик) «Болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисида ҳисоботи».

4-tibbiyot shakli (йиллик) «Одам иммун танқислиги вируси билан касалланган беморлар ва қонни ОИТВга текшириш натижалари тўғрисида ҳисоботи».

5-tibbiyot shakli (йиллик) «Профилактик эмлашлар тўғрисида ҳисоботи».

7-tibbiyot shakliga ilova (йиллик) «Айрим юқумли ва паразитар касалликлар тўғрисида ҳисоботи».

**2. Тармоқлар бўйича статистик ҳисоботи:**

1-SSV shakli (чораклик) «Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш муассасалари фаолияти тўғрисида ҳисоботи».

2-SSV shakli (йиллик) «Стационар фаолияти тўғрисида ҳисоботи».

3-SSV shakli (йиллик) «Даволаш профилактика муассасалари фаолияти тўғрисида ҳисоботи».

Илова 1. Ҳисобот йил охирига, муассасалардаги штатларнинг мутахассислиги бўйича бандлиги.

Илова 2. Поликлиника (амбулатория), диспансер, маслаҳатхоналар фаолиятининг мутахассислиги бўйича қатновлари.

3-SSV shakliga ilova (йиллик) «Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик тўғрисида 2012 йил ҳисоботи».

4-SSV shakli (йиллик) «Тиббиёт муассасалари фаолияти тўғрисида ҳисоботи».

6-SSV shakli (чораклик) «Айрим юқумли ва паразитар касалликлар тўғрисида ҳисоботи».

7-SSV shakli (йиллик) «Хавфли ўсма касалликлари тўғрисида ҳисоботи».

8-SSV shakli (йиллик) «Сил касалликлари тўғрисида ҳисоботи».

9-SSV shakli (йиллик) «Тери-таносил касалликлари тўғрисида ҳисоботи».

10-SSV shakli (йиллик) «Руҳий-асаб ва ахлоқ бузилиши касалликлари тўғрисида ҳисоботи».

11-SSV shakli (йиллик) «Наркологик касалликлари тўғрисида ҳисоботи».

12-SSV shakli (йиллик) «Давлат муассасаси хизмат кўрсатадиган ҳудудда яшовчи беморларда қайд этилган касалликлар сони тўғрисида ҳисоботи».

15-SSV shakli (йиллик) «Тиббий ходимлар тўғрисида ҳисоботи».

16-SSV shakli (йиллик) «Соғломлаштириш муассасалари фаолияти тўғрисида ҳисоботи».

15-саломатлик шакли (йиллик) «Эндокрин касаллиги билан оғриган беморлар контингенти тўғрисидаги ҳисобот».

16-саломатлик шакли (йиллик) «Профилактик чора тадбирлар ҳақида ҳисобот».

18-саломатлик шакли (йиллик) «ДСЭНМ иши ва маҳаллий жойининг санитария ҳолати ҳақида ҳисобот».

19-саломатлик шакли (йиллик) «Шикастланиш, заҳарланиш ва бошқа ташқи муҳит асоратлари тўғрисида»ги тармоқ ҳисоботи.

38-саломатлик шакли (йиллик) «Суд – руҳий касалликлар экспертизаси фаолияти хақида ҳисобот».

**39-саломатлик шакли (йиллик) «Қон тайёрлаш ва қон қуйиш бўлими фаолияти ҳақида ҳисобот».**

**«Ҳудуд гематология хизмати фаолияти бўйича ҳисоботи».**

40-саломатлик шакли (йиллик) «Тез тиббий ёрдам бўлимлари тўғрисида ҳисобот».

41-саломатлик шакли (йиллик) «Болалар уйи тўғрисида ҳисобот».

**42-саломатлик шакли (йиллик) «Суд-тиббиёт экспертиза ташкилоти, суд-тиббий эксперт фаолияти ҳақида ҳисобот».**

46-саломатлик шакли (йиллик) «Дезинфекцион станциялар, санитария – эпидемиология бўлими хизматчилари ҳақида ҳисобот».

49-саломатлик шакли (чораклик) «Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш тадбирлари ҳақидаги ҳисобот».

50-саломатлик шакли (йиллик) «Саломатлик ва тиббий статистика институти филиали», «Туман (шаҳар) Саломатлик марказлари фаолиятлари тўғрисида» ҳисобот.

1«Н»-шакли (ярим йиллик, йиллик) «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Наркологик хизмати профилактик фаолияти ҳақидаги ҳисобот».

1 – Хизмат шакли (йиллик) «Пуллик тиббий хизмат кўрсатиш тўғрисида ҳисобот».

«Тиббий ходимларнинг назорат рўйхати тўғрисидаги вақтинчалик ҳисобот» (ярим йиллик, йиллик).

**«Даволаш-профилактика муассасаларининг рўйхати тўғрисидаги вақтинчалик ҳисобот» (ярим йиллик, йиллик).**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча бюджет ҳисобидаги, хўжалик ҳисобидаги ва хусусий бўлган Соғликни сақлаш тизими муассасалари Соғликни сақлаш вазирлигини 2006 йил 26 июндаги № 287-сонли буйруғи асосида тиббий ҳисоб ҳужжатларини юритишлари шарт.

## САНИТАРИЯ ТИББИЁТ СТАТИСТИК ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

1. Босқич - тадқиқот режаси ва дастурни тузиш.
2. Босқич - статистик маълумот йиғиш ва кузатиш.
3. Босқич - олинган статистик маълумотлари гуруҳлаш, жамлаш ва ҳисоблаш.
4. Босқич - статистик хулосалар чиқариш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш.

Одатда ҳар қандай мақсадга тўла эришиш учун санитария-статистик ва ижтимоий гигиеник тадқиқотларда қуйидаги вазифалар ўз аксини топган бўлиши керак.

1. Ўрганилаётган статистик мажмуада, олинган кузатув бирлигини тарқалганлиги, унинг натижалари.
2. Олинган воқеа ёки ҳодисаларнинг маълум минтақалар ва давр орасидаги ўзгаришлари.
3. Воқеа ёки ҳодисаларнинг умумлаштирилган тавсия бериш ва уни бир неча статистик мажмуалар орасида таққослаш.
4. Олинган статистик қийматларини аниқлигини баҳолаш.
5. Натижавий белгига (касалланиш, ўлиш кўрсатмаларига) ижтимоий-иқтисодий, табиий экологик омилларнинг таъсирини ўрганиш.
6. Омиллар орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш.
7. Натижавий белгилар орасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш.
8. Ўтказилган тадқиқот якунига асосан амалиётга керакли таклиф ва тавсиялар бериш.

## НИСБИЙ ҚИЙМАТЛАР

Ўрганилаётган, ходиса ва воқеаларининг катталигини ўзгариши сифатий хусусиятлари ва айрим қонуниятларини вақт ва муҳитлигида бир-бири билан солиштириш ва таққослашда мутлоқ сонлардан нисбий қийматлар келтириб чиқариш лозим. Нисбий қийматлар тўрт турга бўлинади.

1. Интенсив кўрсаткич.
2. Экстенсив кўрсаткич.
3. Алоқадорлик кўрсаткичи.
4. Яққоллик кўрсаткичи.

**Интенсив кўрсаткич**- маълум муҳитдан келиб чиқиш ходисани шу муҳитда тарқашини, яъни неча маротаба учрашини кўрсатади

$$\textbf{Интенсив кўрсаткич} = \frac{\text{Ходиса x асос}}{\text{Муҳит}}$$

Ходиса- деб шу муҳитдан келиб чиққан воқеа, жараёни тушунилади

Масалан:

Аҳоли (муҳит) орасидаги туғилиш ва ўлиш ҳоллари (ходиса) ва ҳаказо. асос қилиб олинади. 100,1000,10000 ва ҳ.з. Агар интенсив кўрсаткич 100 ҳисобланса, олинган катталик %, 1000га ҳисобланса % (промилли) 10000 га ҳисобланса %000 (процимилли) Масалан: Хоразм вилоятида йиллик ўртача 1517600 аҳолидан 7188 таси ўлди дейлик.

7188 х 1000

**Ўлим кўрсаткичи** = -------------------- = 4,7

1517600

Демак, Хоразм вилоятида ҳар минг аҳолига 1 йилда 4,7 та киши ўлган.

**Экстенсив кўрсаткич**. Экстенсив кўрсатишлар қисмнинг бутунига нисбатини ёки бутуннинг қисмларга тақсимланишини кўрсатади. Экстенсив кўрсатишлар % да ҳисобланади. Экстенсив кўрсаткичларни ҳисоблаш учун бутун, 100 деб олиниб, унинг қисмлари эса х деб қабул қилинган.

Масалан: Умумий касалликлар 1670203, шундан қон айланиши системаси касалликлари 114595

114595 х100

**Экстенсив кўрсаткич** = -------------------- = 6,9%

1670203

**Алоқадорлик кўрсаткичи.** Алоқадорлик кўрсаткич ҳодисанинг у билан бевосита боғлаб бўлмаган муҳит орасида тарқалиш даражасини кўрсатади. Мазмуни бир-биридан фарқ қилсада, ҳисоблаш усули бўйича алоқадорлик кўрсаткичи интенсив кўрсатишга ўхшаш.

М – н: аҳолини ўринлар билан таъминланиши, ўринлар сони 6290

6290 х 10000

**Алоқадорлик кўрсаткичи** = -------------------- = 41,4

1517600

**Яққоллик кўрсаткичи.** Ҳар хил территорияда ёки муддатдаги бир жинсли кўрсатгичларни бир – бирига нисбатини кўрсатади. Бунда кўрсатгичлардан бири 100 деб қабул қилинади, қолгани эса шунга нисбатан ҳисобланади. Бир – бирига таққосланаётган қийматлар мутлоқ сонларда, нисбий ўртача қийматларда берилган бўлиши мумкин.

М – н : Оналар ўлими 2007 йилда – 25,7

2008 йилда – 33,3

25,7 – 100

33,3 – х

33,3 х 100

**Яққоллик кўрсаткичи** = ---------------------=129,6 % 129,6-100=29,6

25,7

Оналар ўлими 2008 йилда 2007 йилдагига қараганда 29,6% га ўсган

**Аҳоли саломатлигини ўрганиш учта катта гуруҳга бўлинади:**

1. Демографик кўрсаткичлар (аҳоли сони, таркиби, аҳолининг табиий ва механик ҳаракати)
2. Аҳоли касалланишининг ва ногиронлигининг кўрсаткичлари (жами ва бирламчи касалланиш, юқумли касалликлар, меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотиш, ногиронлик , бирламчи ногиронлик ва бошқалар)
3. Аҳолининг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари.

## 1 боб. Демографик статистика.

Демография – грекчадан олиниб, (демос – аҳоли, графия -ўрганамиз) аҳоли ва унинг ривожланиши ҳақидаги фандир. Демографик статистика аҳолининг сони, таркиби, туғилиши, ўлими, кўпайиши, ҳаракати хақидаги асосий қонуниятларини ўрганади. Аҳолининг йиллик ўртача сони аниқлангандан сўнг вилоят, туман, шаҳар бўйича аҳолининг тиббий ҳаракатини ташкил этувчи асосий тиббий демографик кўрсаткичлари ҳисобланади.

### Аҳолининг асосий демографик кўрсаткичларини хисоблаш қоидалари

**1.Ўртача йиллик аҳоли сони**

Йил бошидаги аҳоли сони + йил охиридаги аҳоли сони
X= ---------------------------------------------------------------------------- =
2

**2.Йиллик туғилиш кўрсаткичи**

Йил давомида тирик туғилган болалар сони X 1000
X= ---------------------------------------------------------------------------- =
Ўртача йиллик аҳоли сони

**3.Бир неча ой учун туғилиш кўрсаткичи (йил хисобидан)**

Олинган ойлардан туғилган чақалоқлар сони X 1000 X 12
X= ---------------------------------------------------------------------------- =
Ўртача йиллик аҳоли сони X олинган ойлар сони

**4.Наслдорлик коэффициенти**

Тирик туғилган болалар сони X 1000
X= ---------------------------------------------------------------------------- =
15-49 ёшдаги ўртача йиллик аёллар сони

**5.Йиллик умумий ўлим кўрсаткичи**

$$X = \frac{\text{Йил давомида умумий ўлганлар сони} \times 1000}{\text{Аҳолининг ўртача йиллик сони}} =$$

**6.Катталар ўлими кўрсаткичи**

$$X = \frac{\text{Йил давомида катталар ўртасида ўлганлар сони} \times 1000}{\text{Катта ёшдаги аҳоли сони}} =$$

**7.Бир неча ой учун ўлим кўрсаткичи**

$$X = \frac{\text{Олинган ойлардаги ўлганлар сони} \times 1000 \times 12}{\text{Ўртача йиллик аҳоли сони} \times \text{олинган ойлар сони}} =$$

**8. Ёшлар бўйича ўлим курсаткичлари**

$$X = \frac{\text{55-59 ёшда ўлганлар сони} \times 1000}{\text{55-59 ёшдаги ўртача аҳоли сони}} =$$

**9.Ушбу сабабдан ўлимнинг йиллик кўрсаткичи**

$$X = \frac{\text{Ушбу сабабдан ўлганлар сони} \times 1000}{\text{Ўртача йиллик аҳоли сони}} =$$

**10.Календар йили учун 1 ёшгача болалар ўлими кўрсаткичи**

$$X = \frac{\text{Йил давомида 1 ёшгача ўлган болалар сони} \times 1000}{\text{Йил давомида туғилган болалар сони}} =$$

**11.Болалар ўлимининг ойлик кўрсаткичи**

$$X = \frac{\text{Ушбу ойда 1 ёшгача ўлган болалар сони} \times 1000}{(\text{Ушбу ойда туғилган болалар сони} + \text{ўтган 12 ойда туғилганлар сони}) : 13} =$$

**12.Оналар ўлими кўрсаткичи**

Йил давомида хомиладорлик, туғруқ, чилла давомида
42 суткагача ўлган оналар сони Х 100000
X= ---- ------- --------------------------------------------------------- =
Йил давомида тирик туғилганлар сони

**13.Табиий ўсиш**

А. Туғилиш кўрсаткичидан умумий ўлим кўрсаткичини айрилади.
Б Табиий ўсиш кўрсаткичи

Мутлок табиий ўсиш сони Х 1000
X= ------------------------------------------------------------------------ =
Ўртача йиллик аҳоли сони

**14.Касалланиш кўрсаткичи**

Ҳаётида биринчи марта (+) стат талон билан аниқланган
касаллар сони Х 100000
X= ------------------------------------------------------------------------ =
Ўртача йиллик аҳоли сони

**15.Касалланганлик кўрсаткичи**

Хаётида биринчи марта (+) стат талон билан аниқланган
касаллар сони + (-) стат талон билан аниқланган
сурункали касаллар сони
X= ------------------------------------------------------------------------ =
Ўртача йиллик аҳоли сони

**16.Умумий касалланиш**

Ҳаётида биринчи марта (+) стат талон билан аниқланган
касаллар сони + (-) стат талон билан аниқланган
сурункали касаллар сони +ўлганлар сони Х100000
X= ------------------------------------------------------------------------ =
Ўртача йиллик аҳоли сони

**17.Умумий ногиронлар кўрсаткичи**

Жами худуддаги мавжуд ногиронлар сони Х 1000
X= ------------------------------------------------------------------------ =
Ўртача йиллик аҳоли сони

**18.Бирламчи ногиронлик кўрсаткичи**

$$X = \frac{\text{Йил давомида биринчи марта ногиронлик олганлар сони X 1000}}{\text{Ўртача йиллик аҳоли сони}} =$$

**19.Врачлар билан бутланганлик**

$$X = \frac{\text{Банд врачлик лавозимлар сони X 100}}{\text{Штатдаги врачлик лавозимлар сони}} =$$

**20.Ўриндошлик коэффиценти**

$$X = \frac{\text{Врачлик лавозимларида банд жисмоний шахслар сони x 100}}{\text{Банд врачлик лавозимлар сони}} =$$

**21.Врач кадрлар билан аҳолининг таъминланганлиги**

$$X = \frac{\text{Врачлар сони (жисмоний шахслар) x 10000}}{\text{Йил охиридаги аҳоли сони}} =$$

**22.Хамширалар билан аҳолининг таъминланганлиги**

$$X = \frac{\text{Хамширалар сони (жисмоний шахслар) x 10000}}{\text{Йил охиридаги аҳоли сони}} =$$

## Поликлиника хизмати

Амбулатор-поликлиника муассасаларига амалдаги соғлиқни сақлаш муассасалари номенклатурасига биноан поликлиника, физиотерапевтик поликлиника, стоматологик поликлиника, болалар поликлиникаси, врачлик ва фельдшерлик соғломлаштириш пунктлари, фельдшерлик акушерлик пунктлари киради. Бундан ташқари амбулатор-поликлиника ёрдами бирлашган шифохоналарнинг поликлиника бўлимлари, диспансерлар амалга оширади.

ПФ 2107-сонли дастурида кўрсатилганидек, тиббий хизмат кўрсатишнинг 2-босқичли шаклига ўтилди.

Қишлоқ жойларида ҚВПлар, марказий туман шифохонаси поликлиникаси билан, шаҳарда оилавий поликлиника ёки маслаҳат ташхис поликлиникаси – шаҳар шифохонаси.

Амбулатор-поликлиника бўғини ишини ифода этувчи асосий манбалар қуйидагилар хисобланади:

1.Амбулатор беморнинг тиббий картаси (025-х)

- Ўсмирларга (025-ҳ)
- Болалар учун болаларнинг ривожланиш тарихи (112-ҳ)

2.Поликлиника (амбулатория) маслаҳатхона, диспансер врачи иш кундалиги (039-ҳ шакл), врач стоматолог (039-2-ҳ шакл).

3.Диспансер кузатувнинг назорат картаси (030-ҳ шакли).

4.Ушбу муассаса бўйича диспансер кузатиш лозим бўлган касалликларни хисобга олиш йиғма хисоботи (071-ҳ шакл).

5.Беморларни кўрув ва диспансер назорати тўғрисидаги йиллик хисобот. (12-тиб шакл).

Амбулатор-поликлиника хизмати, соғлом аҳоли ва беморларни профилактик ва мақсадли тиббий кўрикдан ўтказиш, диспансер назорати бўйича ишлар хажмини аниқлаш зарур.

Шаҳар поликлиникаларида қишлоқ аҳолисининг салмоғини аниқланади.

Аҳоли томонидан қилинган қатновларни сонини мутахассислар бўйича кўриб чиқиш ва тахлил қилиш, амалдаги меъёрларга кўра ёки врачлик лавозими иш хажми билан таққослаш лозим.

Врачлик лавозими иш хажми-йил давомида врачлик лавозимида керакли қатновлар сонини бажаришдир.

Врачлик лавозимининг ўлчов бирлиги-қатновдир

Врачлик лавозимининг иш хажмини қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$\mathbf{Ф = Н \times Ч \times Р}$$

**Ф**-мансабнинг режадаги иш хажми

**Н**-поликлиника ёки уйдаги врачнинг соатлик иш хажми (қатновлар сони)

**Ч**-врачнинг кун давомида қабулда ва уйга чақирув бўйича бажарган иш соат сони (иш вақти)

**Р**-йил давомида иш кунлари сони

Ушбу формула бўйича участка терапевтининг врачлик лавозими иш хажмини аниқлаш қуйидагича бажарилади.

Масалан: 2006 йилда 365 кун, шу жумладан байрам ва дам олиш кунлари 61 кун, участка терапевтининг меҳнат таътили 27 иш куни, иш

кунлари 277 кун, қабулда иш хажми 1 соатга 5 та қатнов, уйга чақирув бўйича 1 соатга 2 қатнов.

6 кунлик иш хафтасида 1 кунга иш соати 6 соат белгиланади. Иш жадвали бўйича бемор қабулига 4 соат, уйда тиббий ёрдам кўрсатишга 2 соат ажратилган.

Формулага биноан врачлик лавозимининг йиллик функцияси участка терапевти учун қабулда 5540, уйга чақирувда 1148, жами 6688 қатновга тенг.

Врачлик лавозими иш хажмини барча мутахассисликлар бўйича амалиётда хисоблаб чиқиш учун соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тузилган хисоб шаклидан фойдаланиш таклиф қилинади.

Участка терапевтлари, педиатрлари, акушер-гинекологлар учун иш хажмини хисоблаш намунаси

| **Жадвалга биноан иш вақти** | | **1 соатдаги қатновлар сони** | | **Йилга врачлик лавозимининг иш хажми** |
|---|---|---|---|---|
| Қабулда | Уйда | Поликлиникадаги қабул | Уйга чақирув | |
| **4** | **2** | **4х5х277=5540** | **2х2х277=1048** | **6648** |

**Республика шифохоналарининг маслаҳат поликлиникалари, диспансерлар врачлари учун 1 соатлик иш хажмини хисоблаш меъёрлари**

| **№** | **Врачлик лавозимларининг номлари** | **1 соатлик ишда қатновлар сони** |
|---|---|---|
| 1 | Врач акушер-гинеколог | 3,4 |
| 2 | Врач аллерголог | |
| | Катталар қабулида | 3,2 |
| | Болалар | 2,8 |
| 3 | Врач гастроэнтеролог | 3,5 |
| 4 | Врач гематолог | |
| | Катталар қабулида | 3,2 |
| | Болалар қабулида | 3,0 |
| 5 | Врач дерматолог | |
| | Катталар қабулида | 5,5 |
| | Болалар қабулида | 4,5 |
| 6 | Врач инфекционист | 4,8 |
| 7 | Врач кардиолог | 3,0 |
| 8 | Врач кардио-ревматолог | 2,5 |
| 9 | Тиббиёт генетикаси хонаси врачи | 1,5 |
| 10 | Врач невропатолг | |
| | Катталар қабулида | 3,5 |
| | Болалар қабулида | 3,2 |
| 11 | Врач нейрохирург | 3,0 |

| | | |
|---|---|---|
| 12 | Врач нефролог | |
| | Катталар қабулида | 3,5 |
| | Болалар қабулида | 3,3 |
| 13 | Врач онколог | 4,0 |
| 14 | Врач отоларинголог | |
| | Катталар қабулида | 5,25 |
| | Болалар қабулида | 5,0 |
| 15 | Сурдологопед хонаси врач отоларингологи | |
| | Катталар қабулида | 3,5 |
| | Болалар қабулида | 2,5 |
| 16 | Врач педиатр | 3,0 |
| 17 | Кулокни протезлаш бўйича врач протезист | |
| | Катталар қабулида | 3,5 |
| | Болалар қабулида | 2,3 |
| 18 | Врач психиатр | |
| | Катталар қабулида | 3,5 |
| | Болалар қабулида | 2,2 |
| 19 | Врач психиатр-нарколог | |
| 20 | Врач пульмонолог | 3,5 |
| 21 | Врач ревматолог | 3,0 |
| 22 | Юрак-томир жаррохлиги врачи | 3,0 |
| 23 | Врач терапевт | 3,5 |
| 24 | Травматологик ёрдам кўрсатиш бўйича врач травматолог-ортопед<br>Катталарга<br>Болаларга | 5,5<br>5,5 |
| 25 | Ортопедик ёрдам кўрсатиш бўйича врач травматолог-ортопед<br>Катталарга<br>Болаларга | 4,5<br>4,0 |
| 26 | Врач уролог<br>Катталар қабулида<br>Болалар қабулида | 3,6<br>3,6 |
| 27 | Врач фтизиатр<br>Катталар қабулида<br>Болалар қабулида | 3,0<br>3,0 |
| 28 | Врач хирург<br>Катталар қабулида<br>Болалар қабулида | 5,0<br>5,0 |
| 29 | Врач эндокринолог<br>Катталар қабулида<br>Болалар қабулида | 3,2<br>2,5 |

**Амбулатор-поликлиника хизматининг асосий кўрсаткичлари**

**1.Врачлик мансабларининг бандлиги % хисобида:**

Банд врачлик мансабларининг сони Х 100
Х= ---------------------------------------------------------------------------- =
Штатдаги врачлик мансабларининг сони

**2.Врачлар ўриндошлигининг коэффициенти:**

Банд врачлар мансабидаги жисмоний шахслар сони Х 100
Х= ---------------------------------------------------------------------------- =
Банд врачлар мансабларининг сони

**3. 1 та территориал худудда аҳолининг ўртача сони:**

Поликлиника фаолият кўрсатиш доирасидаги аҳоли сони
Х= ---------------------------------------------------------------------------- =
Территориал худудлар сони

**4. Врачлар билан таъминланганлик:**

Врачлар сони (жисмоний шахслар) Х 10000
Х= ---------------------------------------------------------------------------- =
Аҳоли сони

**5.1 та яшовчига йилда врачларга ўртача қатновлар сони:**

Умумий врачларга жами қатновлар сони
Х= ---------------------------------------------------------------------------- =
Поликлиника аҳолисининг сони

**6. Поликлиниканинг ўтқазиш қобилиятидан фойдаланиши % хисобида:**

Барча врачлар (тиш врачлари хам)га амбул.қатнов сони Х 100
Х= ---------------------------------------------------------------------------- =
Поликлиниканинг режадаги ўтқазиш имконияти

**7. Поликлиникадаги қабулда худудга тегишлилик тамойили:**

Ўзининг худуд врачига қатновлар сони Х 100
Х=----------------------------------------------------------------------------=
Ушбу мутахассисликдаги барча врачларга умумий қатновлар сони

**8. Поликлиникадаги қабулда ўртача кунлик иш хажми.**

Йил бўйи врачларга қатновлар (профил кўрик ҳам) сони Х 100
X= ------------------------------------------------------------------------------------------ =
Амбулатор қабулдаги врачлар сони Х йил давомидаги иш кунларининг сони

**9.Поликлиникада қабулда ўртача 1 соатлик иш хажми:**

Поликлиникада врачларга қатновлар сони
X= ---------------------------------------------------------------------------------- =
Врачлар томонидан қабулда амалда ишлаган соатлар сони

**10. Худудга бўлиниш тамойили:**

Поликлиника фаолият кўрсатиш худудларидаги аҳоли сони
X= ---------------------------------------------------------------------------------- =
Участкалар сони

Меъёрда катталар поликлиникасида 1 та терапевтик худудда 1800 нафар катта ёшдаги аҳоли, болалар поликлиникасида 1 та педиатрик худудда 800-1000 бола, аёллар маслаҳатхоналарида 3000 нафар аёл бўлади.

**11.Уйда тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ўртача кунлик иш хажми:**

Йил давомида врач томонидан қилинган уйга чақириқлар сони
X= ---------------------------------------------------------------------------------- =
Врач томонидан уйга график бўйича ишлаган кунлар сони

**12.Уйда тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ўртача соатлик иш хажми:**

Йил давомида врач томонидан уйга қилинган қатновлар сони
X= ------------------------------------------------------------------------------------- =
Врач томонидан уйга график бўйича ишлаган соатлар сони

**13.Уйга чақирувда худудга тегишлик кўрсаткичи:**

Ўзининг худудидаги чақириқларга бориш сони Х 100
X= ---------------------------------------------------------------------------------- =
Худуд хакимининг жами уйга қатновлари сони.

**14.Катта ёшдаги аҳолига уйга хизмат кўрсатиш кўрсаткичи:**

Уйда терапевтик беморларга қатновлар сони Х 100
Х= ------------------------------------------------------------------ =
Поликлиникага жами қатновлар сони

**15.Диагнозларни фарқ қилиш салмоғи:**

Поликлиникадан шифохонага юборилган беморлар
диагнозлари ўртасида фарқлар сони Х 100
Х= ------------------------------------------------------------------------ =
Шифохонанинг жами ётган беморлар сони

**16. Поликлиникага қатновлар динамикаси**
Жорий йилда поликлиникага қатновлар сони Х 100
Х=--------------------------------------------------------------------------------=
Ўтган йилги поликлиникага қатновлар сони

**17. Поликлиникага қишлоқ аҳолисининиг қатновларини хисобга олиш кўрсаткичи.**
Поликлиника врачларига йил давомида қатнаган
қишлоқ аҳолиси қатновлари сони Х 100
Х=-------------------------------------------------------------------------------------=
Поликлиникадаги барча врачларга қатновлар сони

**18.Мутахассислик бўйича қатновларни таркибий кўрсаткичи**

Муайъян мутахассислик бўйича қатновлар сони Х 100
Х=------------------------------------------------------------------------------------=
Поликлиникадаги барча мутахассисларга қатновлар сони

**19.Поликлиника фаолияти доирасидаги аҳоли қатновининг салмоғи**

Поликлиника фаолияти доирасидаги аҳоли қатнови сони Х 100
Х=-------------------------------------------------------------------------------------=
Поликлиникадаги врачларига ҳамма қатновлар сони

**20.Ўрта тиббиёт ходими томонидан мустақил қабул кўрсаткич**

Мустақил қабулда ўтирган ўрта тиббиёт ходимига қатновлар сони Х 100

Х=--------------------------------------------------------------------------------=

Мустақил қабулдаги врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларига қатновлар сони

**21.Умумий ўлим кўрсаткичи**

Йил давомида жами ўлган сони Х 1000

Х=--------------------------------------------------------------------------------------

Аҳоли сони

**22.Бир неча ойлик ўлим кўрсаткичи**

Олинган ойларда ўлганлар сони Х 1000 Х 12

Х=----------------------------------------------------------------------------------

Аҳоли сони Х хисоботга олинган ойлар сони

**23.Катталар ўлим кўрсаткичи**

Йил давомида катталар ўртасида ўлганлар сони Х 1000

Х=--------------------------------------------------------------------------------------

Катта ёшдаги аҳоли сони

## 2 боб. Аҳоли касалланишини ва ногиронлигини ўрганиш.

Аҳоли орасида касалланишларни ўрганишнинг бошланғич ва асосий манбаларидан бири беморларни **даволаш - профилактика муассасаларига** тиббий ёрдам олиш мақсадидаги **мурожаати** ҳисобланади.

Умумий касалланишлар ҳақидаги маълумот барча касалланишларни жорий рўйхатга олишга асосланган.

Ҳар бир касаллик бўйича жорий йилдаги бирламчи мурожатлар кузатув бирлиги сифатида қабул қилинади. Аҳоли даволаш профилактика муассасаларига (ДПМ) фақат касалликлар туфайлигина мурожаат қилмасдан, балки айрим бошқа холларда ҳам мурожаат этиши мумкин, масалан: кўрикдан ёки текширишдан ўтиш мақсадида (айрим ишларга кираётган, “ҳайдовчилик” хайъатига, лабаратор таҳлиллар топшириш, профилактик эмлаш, ҳомиладорликни кузатиш, генетик консультация ва б.қ.). Шунинг учун ҳам **мурожаатлар** бўйича касаланишларни қайд этишда, ушбу календарь йилида тегишли тиббиёт ҳужжатларга касалланишлар биринчи бор қайд этилган ҳолат тушинилади. Кейинги мурожаатларни “**қатновлар**” деб тушуниш лозим, чунки ДПМга бемор биринчи бор мурожаат этганда касаллик қайд этилгандан сўнг у шифокорга ушбу касаллик бўйича бир неча бор қатнаши мумкин.

ДПМга беморларнинг жорий йилда биринчи бор мурожаатлари даврида аниқланган, олдин ҳеч қаерда қайд этилмаган янги касалликларини

жамлаб интенсив кўсаткичлар ҳисобланса у **бирламчи касалланиш кўрсаткичи** деб аталади.

Бирламчи сурункали касаллик бўйича бемор йил мобайнида даволаш-профилактика муассасаларига бир неча марта мурожат қилишидан қатъий назар, кузатув бирлиги қилиб беморнинг биринчи мурожаати ҳисобга олинади. Ушбу касалликни қайталаниши натижасида жорий йилдаги такрорий мурожаатлар касалланишларга қўшилмайди. Бемор ўткир касалликлар билан йил давомида бир неча бор касалланиши мумкин, бундай ҳолларда у ҳар доим янги касаллик сифатида кайд этилади.

Бирламчи касалланишлардан ташқари аҳоли орасида тарқалган барча касалликлар **умумий касалликлар** ҳам ўрганилади. Бунинг учун жорий йилда биринчи бор қайд этилган касалликлар сонига, сурункали касалликлар ўтган йилларда қайд этилган бўлсада, бемор жорий йилда ушбу касаллик бўйича тиббий ёрдам олиш учун ДПУ га мурожаат этса, юқорида қайд этилган сурункали касаллик хам умумий касалликлар сонига қўшилади. Ушбу йиғиндидан ҳисобланган интенсив кўрсаткичларга **умумий касалланиш**, ёки **тарқалганлик кўрсаткичи (prevalence**) деб аталади. Бир неча йиллар давомида (уч, беш йил) қайд этилган бирламчи касалланишлар ҳолларини – **йиғма касалланишлар** деб аталади.

Чизма 3

**Аҳоли орасида таркалган касалликларни ўрганиш схемаси**

| Касалликлар ҳақида маълумотлар тўплашнинг асосий манбалари | Касалланиш турлари |
|---|---|
| 1.Аҳолининг тиббий муассасаларга мурожаати | Бирламчи касалланиш<br>Умумий касалланиш<br>Юқумлик касаллик билан касаланиш<br>Муҳим ноэпидемик касалликлар билан касалланиш<br>Меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотишга олиб келадиган касалликлар<br>Муҳим шифохонада ётган беморларнинг касалланишлари<br>Ногиронлик |
| 2.Тиббий кўрик маълумотлари | Тиббий кўрик натижасида топилган касалликлар билан касалланиш |
| 3.Ўлим сабабларини ўрганишдан олинган маълумотлар | Ўлим сабаб бўлган касалликлар билан касалланиш. |

Аҳолини даволаш-профилактика муассасаларига мурожаати натижасида ўрганилган касалланишларни таҳлил қилинганда, маълумотларнинг тўлиқлигига таъсир этувчи омилларни албатта инобатга олиш керак: тиббий ёрдамнинг яқинлиги, врачлар билан таъминланганлик, аҳоли яшаш жойида ихтисослашган тиббиёт муассасаларига мурожаати, аҳолининг санитария маданиятининг даражаси, уларнинг ўз соғлигига муносабати (енгил кечувчи касалликлар буйича мурожаати) ва бошкалар.

Умумий касалланишларни ўрганишнинг асосий манбаъларидан бири, аҳоли орасида ўтказиладиган профилактик ва мақсадли тиббий кўриклар ҳамда диспансер кузатувларидир. Бу усул орқали яширин кечувчи, олдиндан маълум бўлмаган ёки аҳолини фаол равишда тиббий ёрдам олиш учун мурожаат этишга мажбур қилмаган сурункали касалликлар аниқланади.
Тиббий кўриклар олдинга қўйилган мақсад, вазифа ва қўлланилаётган ташкилий технология турига қараб олдиндан, даврий ва мақсадли бўлиши мумкин. **Олдиндан ўтказиладиган тиббий кўрик.** Касбий ва ўқишга бўлган талаблардан келиб чиққан ҳолда ишга ва ўқишга кираётганда, ҳамда ўқиш жараёнида ва иш шароитидаги касб билан боғлиқ зарарли омиллар туфайли қайталаниладиган, ривожланадиган, авж оладиган касалликларни аниқлашда қўлланилади.

**Даврий тиббий кўрик**ларнинг мақсади зарарли шароитлар туфайли пайдо бўладиган касбий касалликларни барвақт аниқлаш, ишчилар саломатлигини динамик кузатиш зарарли шароит ва хавфли моддалар, бор иш шароитида ишлаш ман этиладиган (профилактик, даволаш ва бошқа тадбирларни ўтказишни талаб этадиган) умумий касалликларни аниқлашдан иборат.

Тиббий кўрик ўтказиладиган шахслар континггентига кўра олдиндан ва даврий ўтказиладиган тиббий кўрикларнинг 3 хил тури мавжуд:

- Касбга оид зарарли шароитда ишловчи муассаса, ташкилотларнинг ишчилари орасида тиббий кўрик ўтказиш.
- Касбий фаолияти туфайли аҳоли орасида касалликларни тарқалишига сабаб бўлувчи шахсларда тиббий кўрик ўтказиш (умумий овқатланиш, болалар ва айрим коммунал хўжалик муассасалари ишчилари)
- Барча ёшдаги болалар, ўсмирлар, ўрта махсус ўқув юртлари, ўқувчилари талабалар ўртасида тиббий кўрик ўтказиш.

**Мақсадли тиббий кўриклар** одатда ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни барвақт формаларини аниқлаш (хавфли ўсмалар, сил, қанд касаллиги ва ҳ.к.) мақсадида турли уюшган ва уюшмаган аҳоли орасида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан ишлаб чиқаришда олдиндан ва даврий ўтказиладиган тиббий кўрикларни ўтказиш қоидалари белгилаб қўйилган. Тиббий кўриклар ўтқазиш ва уларни ўтказиш муддатлари ишдаги хавфли моддалар, нохуш ишлаб чиқариш омиллар рўйхати тузилган ва уларга боғлиқ ҳолда тиббий кўрикларни ўтказиш муддатлари белгиланган. Кўрикларни ўтказиш муддати таъсир этувчи омилларнинг хавф даражасига боғлиқ. Соғлиқни сақлаш Вазирлиги

томонидан кўрикда иштирок этувчи мутахассис – врачлар сони, лобаратор ва функционал текширувлар рўйхати ишга олмаслик бўйича тиббий кўрсатмалар рўйхати аниқланган.

Соғлиқни сақлаш амалиётида бошқа тиббий кўрик турлари ҳам мавжуд – бир марталик комплекс тиббий кўрик – хусусий автомобил шофёрлари.

Кам маблағ сарфлаган ҳолда, аҳолининг кўпгина қисмини профилактик кўрик билан қамраб олиш орқали кўпгина тестлар ёрдамида текшириш усуллари ҳам мавжуд. Тиббий кўрикнинг бундай ташкилий шакллари “скрининг” деб номланади. “Скрининг” сўзи инглизчадан “тушириб қолдириш, ажратиб олиш” маъноларини англатади.

Скрининг касалликга гумон қилинган ёки касалликнинг бошланғич белгилари мавжуд бўлган шахсларни аниқлаш ва аҳолини ёппасига текшириш усулидир.

Скринингнинг асосий мақсади – аниқ олинган касаллик бўйича юқори хавф гуруҳини шакллантириш, чуқур текшириш, тор соҳа мутахассислари консультациясини ўтказишни талаб этувчи шахсларни бирламчи ажратиб олишдан иборат. Бу текшириш усули бошқа тиббий кўрикларга нисбатан тежамлироқ.

Скринингнинг икки тури мавжуд: бир соҳали ва кўп соҳали скрининг.

Бир соҳали (мақсадли) скрининг – алоҳида касалликни мақсадли аниқлаш учун тиббий – ташкилий тадбиркор тизимини ўтказиш.

Кўп соҳали (кўп мақсадли) скрининг – бир қатор касалликларни аниқлаш учун тиббий ташкилий тадбирлар тизимини ўтказиш иккала скрининг тури ҳам бир неча босқичдан иборат бўлиши мумкин – кўп босқичли скрининг.

Умумий касалланишларни ўрганишнинг асосий манбаларидан бири, аҳоли орасида ўтказиладиган профилактик ва мақсадли тиббий кўриклар ҳамда диспансер кузатувларидир. Бу усул орқали яширин кечувчи олдиндан ноъмаълум бўлмаган ёки аҳолини фаол равишда тиббий ёрдам олиш учун мурожаат этишга мажбур қилмаган сурункали касалликлар аниқланади. Кўрик маълумотлари, аҳолининг мурожаати натижасида олинган маълумотлар билан қўшилиб касаллик ҳақида материалларни янада тўлдиради, уларга бирмунча аниқликлар киритади ва аҳолининг умумий касалланишларини янада тўлароқ ёритишга ёрдам беради.

Аҳоли орасида тиббий кўрик ўтказиш натижасида аниқланган касалликлар ҳақида ахборотлар олишни **“патологик зарарланиш”** ёки **“тиббий кўрикда аниқланган қўшимча касалланишлар”** номланади (**point - prevalence**).

Айрим касалликларни қанча тарқалганлигини ўрганишлар ўлим сабаблари статистикаси ҳам катта аҳамиятга эга, чунки айрим ҳолларда қўққисдан ўлим натижасида, паталогоанатомлар беморнинг ҳаёти давомида қайд этилмаган, янги касалликларни аниқлайди, улар ўз навбатида, касалланишлар ҳақидаги маълумотни янада тўлдиради.

Аҳолининг мурожатлари, тиббий кўрик натижасида олинган, ўлим сабабларини таҳлил этиш орқали олинган маълумотлар алоҳида - алоҳида

ўрганилганда касалланишларга комплекс баҳо бериш қийин. Шунинг учун ҳам касалланишларга ҳар томонлама тўлиқ характеристика бериш учун **“ҳаққоний” (чин) касалланиш кўрсаткичи** ҳисобланади – ушбу кўрсаткич – мурожатлар бўйича аниқланган касалланишларга, тиббий кўрикда биринчи бор аниқланган касалликлар, ўлим сабаблари ҳақидаги маълумотларга (ушбу касалликлар олдин соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан қайд этилмаган) асосланган кўрсаткичларнинг йиғиндисидан иборат.

Ҳаққоний касалланиш кўрсаткичини айсбергга қиёслаш мумкин, сув юзасида мурожаатлар орқали аниқланган касалликлар, сув остида эса тиббий кўрик ва ўлим сабабларини таҳлил этиш орқали аниқланган касалликлар ётади. Касалланишлар ҳақидаги кўп йиллик тадқиқотлар ҳамда хусусий тадқиқотларимиз натижаларидан келиб чиқиб касалланишларни ўрганишларни қуйидаги (чизма 3) таснифини келтириш мумкин.

Катта шахарларда умумий касалланишлар ҳакида ҳар томонлама тўлиқ маълумот йиғилш бир мунча қийин, чунки аҳоли тиббий ёрдам олиш мақсадида доимий яшаш жойидаги поликлиникадан ташқари бошқа профилактика даволаш муассасаларига мурожаат этиши мумкин (ТСК, ихтисослаштирилган тиббий марказлар).

Шунинг учун ҳозирги пайтда аҳолининг умумий касалланиши ҳақида ҳар томанлама тўлиқ ва аниқ маълумот олиш учун махсус кузатувлар олиб борилади. Бирламчи материал йигиш ва уни ҳисоблаш усулларидан катъий назар умумий касалланишларни ўрганиш натижасида аҳоли орасида тарқалган касалликларнинг структураси, тарқалиш даражаси ва уларнинг динамикаси ҳақида маълумотлар олинади.

Аҳолининг умумий касалланишлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда қуйидаги статистик кўрсаткичлар келтирилиб чикарилади:

## ПРОФИЛАКТИК ИШЛАРНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ:

**24.Даврий профилактик кўрув билан қамров % хисобида:**

$$X = \frac{\text{Амалда тиббий кўрикдан ўтганлар сони} \times 100}{\text{Профилактик кўрикдан ўтиши керак бўлганлар сони.}} =$$

**25.Тиббий кўрикда касалликни аниқлаш даражаси % хисобида:**

$$X = \frac{\text{Кўрув пайтида аниқланган касалликлар сони} \times 100}{\text{Жами кўрилган шахслар сони}} =$$

**26.Профилактик кўрикларни салмоғи:**

Муайян бир хажмлик проф-тик кўрик учун қатновлар сони X 100
X= -------------------------------------------------------------------------- =
Ушбу поликлиникага хамма қатновлар сони

**27.Максадли профилактик кўрувлар салмоғи:**

Текширилган ишчилар (чорвадор, ўқитувчилар) сони X 100
X= --------------------------------------------------------------------------- =
Муассасадаги ишчилар сони

**28.У ёки бу касаллик бўйича аҳолини профилактик билан қамров кўрсаткичи:**

Хизмат кўрсатиш худудидан сил касаллиги
(ёки эндокрин касаллиги) га текширилган шахслар X 100 сони
X= --------------------------------------------------------------------------- =
Хизмат кўрсатиш худудидаги ўртача аҳоли сони

**29.Максадли профилактик кўрикда силга текширув бўйича флюрография, туберкулин синамаларини қўллаш кўрсаткичи**

Флюрография, туберкулин синамалари билан
текширилган шахслар сони X 100 сони
X= --------------------------------------------------------------------------- =
Сил касаллигини эрта аниқлаш максадида кўрилган шахслар сони

**30.Муайян касаллик бўйича касалликни аниқлаш кўрсаткичи**
Муайян касаллик бўйича текширувда аниқланган шахслар
сони X 100 сони
X= --------------------------------------------------------------------------- =
Муайян касаллика текширилган шахслар сони

**31.Касалланиш кўрсаткичи**
Ҳаётида биринчи марта (+) стат талон билан аниқланган
касаллар сони X 1000
X= --------------------------------------------------------------------------- =
Ўртача йиллик аҳоли сони

**32.Касалланганлик кўрсаткичи**
Ҳаётида биринчи марта (+) стат талон билан аниқланган
касаллар сони ва + (-) стат талон билан аниқланган
сурункали касаллар сони X 1000

X= ---------------------------------------------------------------------------- =

Ўртача йиллик аҳоли сони

**33.Умумий касалланиш**

Ҳаётида биринчи марта (+) стат талон билан аниқланган касаллар сони + (-) стат талон билан аниқланган сурункали касаллар сони + ўлганлар сони X 1000

X= ---------------------------------------------------------------------------- =

Ўртача йиллик аҳоли сони

**34.Касалланишнинг айрим касалликлар бўйича таркибий кўрсаткичи**

Хисобот йилида бирор касаллик билан ҳаётида биринчи марта аниқланган касаллар X 100

X= ---------------------------------------------------------------------------- =

Хисобот йилида ҳаётида биринчи марта барча аниқланган касалларни умумий сони

**35.Муайян сурункали касалликлар билан касалланиш кўрсаткичи**

Муайян сурункали касаллик билан биринчи марта аниқланган касаллар сони X 100

X= ---------------------------------------------------------------------------- =

Ўртача йиллик аҳоли сони

## <u>3 боб. Жисмоний ривожланиш</u>

Жисмоний ривожланиш аҳоли саломатлигини асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Жисмоний ривожланиш аҳоли саломатлигини бошқа кўрсаткичлари билан бир қаторда жамият соғлиғини характерлашда ижобий рол ўйновчи катталикдир. Аҳолининг жисмоний ривожланишига қараб, уларнинг турмуш даражаси, овқатланиши, дам олиши каби омиллар ҳақида фикр юритиш мумкин. Жисмоний ривожланиш кўп жиҳатдан биологик, ижтимоий - иқтисодий ва ташқи омилларга боғлиқ.

Охирги пайтларда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг ҳар хил минтақаларида ва ҳар хил миллатлар орасида жисмоний ривожланишни ўрганишга катта аҳамият берилмоқда. Аҳоли ёш гуруҳлари ичида энг муҳими болаларнинг жисмоний ривожланишини ўрганиш. Чунки бу ёшдаги жисмоний ривожланиш, бошқа ёшдагиларнинг жисмоний ривожланишини, уларнинг саломатлигини кўрсатувчи ўзига хос барометр ҳисобланади.

Тана узунлиги (катталарда тик турган ҳолда, бир ёшгача болаларда – ётқизилган ҳолда), тана вазни, кўкрак айланаси (бир ёшгача болаларда – калла айланаси) жисмоний ривожланишнинг асосий белгилари, ўтирган

ҳолдаги тана узунлиги, чаноқ, елка айланаси, оёқларнинг узунлиги – қўшимча белгилари ҳисобланади.

Бундан ташқари физиометрик белгилар: ўпканинг ҳаётий ҳажми (спирометрия), қўл бармоқлари мушагининг кучи (динамометрия). Ташқи белгилар: (соматометрик) гавда тутиш ҳолати, кўкрак қафасининг тузилиши, оёқ, товонлар мускулларининг тараққий этганлик даражаси, тери ости ёғ қопламалари, иккиламчи жинсий белгилар, пульс, қон босими ҳам эътиборга олинади.

Одамларнинг жисмоний ривожланишини кузатиш ва назорат қилиш улар туғилган даврдан, туғруқхонадан бошланади. Бундай кузатиш болалар поликлиникаларида, мактабгача (ясли, боғча) болалар муассасаларида давом эттирилади. Мактаб ёшидаги болалар, ўсмирларда – ўсмирлар ва мактаб, лицей болалари врачлари томонидан уларнинг жисмоний ривожланиши назорат этилиб борилади ва олинган маълумотлар болалар ва ўсмирлар саломатлик паспортига (болаларнинг ривожланиш тарихига) ёзилади. Катта ёшдаги аҳолининг жисмоний ривожланиши аскарликка чақирув даврида, ҳарбий хизмат даврида, ҳамда талабалар, спортчилар соғлигини назорат қилишда кузатиб борилади. Ундан ташқари ишчи-хизматчиларнинг ҳар хил гуруҳлари орасида комплекс тиббий кўрик ўтказиш пайтида уларнинг жисмоний ривожланиши ўрганилади.

Аҳолининг жисмоний ривожланишини ўрганишдан асосий мақсад уларнинг катталикларини ва улардаги ўзгаришларни ўрганиш:

Аҳолининг ҳар хил ёш – жинс гуруҳлари орсида уларнинг жисмоний ривожланишини, унинг ўзгаришларини ва асосий қонуниятларини ўрганиш.

Бир коллективнинг ўзида уларнинг саломатлигини, жисмоний ривожланишини динамикада ўрганиш ва унинг қонуниятларини аниқлаш, уларнинг саломатлигини яхшилаш борасида чора-тадбирлар белгилаш.

Аҳолининг ҳар хил климато – географик, этник, ёш-жинс гурухлари, айниқса болалар орасида жисмоний ривожланишнинг стандартларини ишлаб чиқиш.

Болалар орасида ўтказилаётган соғломлаштириш чора тадбирларини баҳолашдан иборат.

Жисмоний ривожланиш сифат жиҳатдан бир хил бўлган аҳоли гурухлари орасида тиббиёт муассасалари томонидан ёки илмий тадқиқот институтларининг илмий ходимлари томонидан махсус тузилган дастур орқали ўрганилиши керак.

Жисмоний ривожланишни таҳлил қилиш ва баҳолаш умумлаштирувчи (генераллаштирувчи) ва хусусийлаштирувчи (индивидуаллаштирувчи) усуллар орқали олиб борилади.

Умумийлаштирувчи усулда – ҳар қайси ёш – жинси гуруҳида алоҳида олинган болаларнинииг антропометрик белгилари ўлчаниб уларнинг йиғиндисидан ҳар бир ёш (жинс) гуруҳлари учун жисмоний ривожланишнинг ўртача қийматлари келтириб чиқарилади.

Хусусийлаштирувчи усулда – бир гуруҳ болаларнинг ҳар бирини ривожланиши маълум бир давр оралиғида динамикада (“узунасига”) кузатиб

борилади ва уларга асосан ёш-жинс гуруҳлари бўйича стандартлар ишлаб чиқилади.

Антропометрик ўлчашларни ўтказиш, олинган маълумотларни ҳисоблаш, аҳолини айрим гуруҳлари жисмоний ривожланиши ҳақида стандартлар тузиш Д.И. Арон ва А.Б. Ставицкая (“Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини текшириш услублари”, 1959) томонидан ишлаб чиқилган усул асосида олиб борилади.

Мисол тариқасида Тошкент шаҳрида яшовчи бир ёшгача бўлган болаларнинг жисмоний ривожланишини келтирамиз (жалвал 9, 10).

Жадвал 9

Тошкент шаҳридаги чақалоқлар ва болаларнинг биринчи ёшидаги жисмоний ривожланиши, ўзбек ўғил болалар

| Белги | Ёш, ой | N | M ± m | $\sigma$ | V |
|---|---|---|---|---|---|
| Бўй, см | Чақалоқ | 106 | 51.84 ± 0.22 | 2.31 | 4.0 |
| | 3 | 106 | 60.32 ± 0.23 | 2.32 | 3.84 |
| | 6 | 106 | 66.69 ± 0.19 | 1.94 | 2.91 |
| | 9 | 106 | 71.06 ± 0.19 | 1.94 | 2.73 |
| | 12 | 106 | 75.65 ± 0.19 | 1.96 | 2.59 |
| Вазн,гр | Чақалоқ | 106 | 3490 ± 47.47 | 489 | 14.0 |
| | 3 | 106 | 7776 ± 59.42 | 588 | 9.98 |
| | 6 | 106 | 5889 ± 57.08 | 612 | 7.88 |
| | 9 | 106 | 9152 ± 59.71 | 615 | 6.76 |
| | 12 | 106 | 10368 ± | 495 | 4.92 |
| Кўкрак | Чақалоқ | 106 | 48.06 | | |
| айланаси, | 3 | 106 | | 1.59 | 3.83 |
| см | 6 | 106 | 41.43 ± 0.15 | 1.41 | 3.20 |
| | 9 | 106 | 44.65 ± 0.14 | 1.05 | 2.27 |
| | 12 | 106 | 46.19 ± 0.10 | 1.01 | 2.55 |
| | Чақалоқ | 106 | 48.06 ± 0.13 | | |
| Бош | 3 | 106 | | 1.52 | 3.73 |
| айланаси, | 6 | 106 | 40.74 ± 0.15 | 1.76 | 4.01 |
| см | 9 | 106 | 43.80 ± 0.17 | 1.16 | 2.56 |
| | 12 | 106 | 45.22 ± 0.11 | 1.11 | 2.37 |
| | | | 46.68 ± 0.11 | | |

Жадвал 10

Тошкент шахридаги чақалоқлар ва болаларнинг биринчи ёшидаги жисмоний ривожланиши, ўзбек қиз болалар

| Белги | Ёш, ой | N | M ± m | $\sigma$ | V |
|---|---|---|---|---|---|
| Бўй, см | Чақалоқ | 108 | 51.35 ± 0.18 | 1.90 | 3.71 |
| | 3 | 108 | 59.49 ± 0.21 | 2.14 | 3.59 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 6 | 108 | 65.85 ± 0.21 | 2.20 | 3.34 |
| | 9 | 108 | 70.52 ± 0.21 | 2.18 | 3.0 |
| | 12 | 108 | 75.05 ± 0.26 | 2.75 | 3.0 |
| Вазн,гр | Чақалоқ | 108 | 3298 ± 40.38 | 420 | 12.73 |
| | 3 | 108 | 5728 ± 64.33 | 669 | 11.67 |
| | 6 | 108 | 7580 ± 68.65 | 714 | 9.41 |
| | 9 | 108 | 8975 ± 57.69 | 600 | 6.0 |
| | 12 | 108 | 10093 ± | 606 | 6.0 |
| Кўкрак | Чақалоқ | 108 | 58.26 | | |
| айланаси, | 3 | 108 | | 1.53 | 3.30 |
| см | 6 | 108 | 41.25 ± 0.13 | 1.40 | 3.46 |
| | 9 | 108 | 44.11 ± 0.15 | 1.17 | 2.0 |
| | 12 | 108 | 46.04 ± 0.11 | 1.10 | 2.0 |
| | Чақалоқ | 108 | 47.63 ± 0.10 | | |
| Бош | 3 | 108 | | 1.30 | 3.20 |
| айланаси, | 6 | 108 | 40.21 ± 0.12 | 1.41 | 3.29 |
| см | 9 | 108 | 42.85 ± 0.13 | 1.17 | 2.0 |
| | 12 | 108 | 45.10 ± 0.11 | 1.05 | 2.0 |
| | | | 46.34 ± 0.10 | | |

Жисмоний ривожланишларни кузатишдан олинган маълумотлар вариацион қаторлар ёки корреляцион панжара тузиш (ўртача қийматлар мавзусига қаранг) орқали ҳисобланади ва натижада ҳар бир антропометрик белги бўйича катталиклар олинади:

N – ҳар бир ёш-гуруҳлари бўйича кузатувлар сони

M – белгининг ўртача қиймати

m – ўртача арифметик қийматнинг ўртача хатолиги

v – Вариация коэффициенти

$\sigma$ - ўртача квадратик оғиш

r – корреляция

$m_r$ - корреляция коэффициентининг ўртача хатолиги

$R_{Xly}$ - регрессия коэффициенти

$\sigma_r$ - регрессиянинг ўртача квадратик оғиши (хусусий сигма)

Жадвалда келтирилган маълумотлар ҳар бир бола (индивидуал баҳо) ёки болалар гуруҳининг жисмоний ривожланишига баҳо бериш ва таҳлил қилиш учун стандарт сифатида хизмат қилади. Ҳар бир олинган антропометрик

катталикларни баҳолаш стандарт кўрсаткичлари билан уларнинг сигмалардаги оғишларини ҳисобга олган ҳолда таққосланишига асосланган.

**Олинган натижалар қуйидагича баҳоланади:**

| | |
|---|---|
| Ўртача ривожланиш | М – 1$\sigma$ дан, М + $\sigma$ гача |
| Ўртадан юқори | М + 1$\sigma$ дан, М + 2$\sigma$ гача |
| Юқори | М + 2$\sigma$ дан, М + 3$\sigma$ гача |
| Ўртадан паст | М – 1$\sigma$ дан, М – 2$\sigma$ гача |
| Паст | М – 2$\sigma$ дан, М – 3$\sigma$ гача |

Жисмоний ривожланишга регрессия шкаласи бўйича индивидуал баҳо бериш усули энг тўғри ва тўлиқ усуллардан ҳисобланади. Бу усулнинг устунлиги шундан иборатки, у белгиларнинг бир – бирига боғланган ҳолда жисмоний ривожланишга баҳо беради. Бундай баҳо бериш учун ҳар бир ёш-жинс гуруҳлари, тана узунлиги, вазн, кўкрак, бош айланаси бўйича махсус (жадвал 3) жадвал тузилади.

Жисмоний ривожланишга баҳо бериш учун тузилган стандартлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

Стандартлар регионал бўлиши;

Кузатувлар сони (ҳар бир ёш-жинс гуруҳи бўйича) 100дан кам бўлмаслиги, яъни етарли бўлиши керак;

Кузатувлар сонидан: касал болалар, рахит, гипотрофия ва бошқа эндокрин касалликлар билан оғриган, осанкаси бузилган, ўз гуруҳига нисбатан бениҳоя кичик ёки катта антропометрик белгига эга бўлган болалар чиқариб юборилади;

Ўлчашлар, ҳисоблашлар ва олинган маълумотларни таҳлил қилишнинг умумий қабул қилинган текшириш усули қўлланилади;

Регионал стандартларга ҳар 5-6 йилда ўзгартиришлар киритилиши керак.

**Жадвал 1**

**№ шахрида яшовчи болаларнинг жисмоний ривожланишига баҳо берувчи жадвал (бир ёшли).**

| **Оғишларнинг сигма чегараси** | **Ўғил болалар – 12 ойлик** | | | | **Қиз болалар – 12 ойлик** | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | ***Бўй см*** | ***Вазн гр*** | ***Кўкрак қафаси см*** | ***Бош айланаси, см*** | ***Бўй см*** | ***Вазн, гр*** | ***Кўкрак қафаси,см*** | ***Бош айланаси см*** |
| Паст (М-1 $\sigma$ ва ундан паст) | 71 | 9759 | 47.18 | 45.98 | 69 | 9573 | 46.96 | 45.73 |
| Ўрта паст | 72 | 9890 | 47.37 | 46.13 | 70 | 9659 | 47.07 | 45.83 |
| (М-1$\sigma$ - М-2$\sigma$) | 73 | 10021 | 47.56 | 46.28 | 71 | 9745 | 47.18 | 45.93 |
| Ўртача | 74 | 10152 | 47.75 | 46.43 | 72 | 9831 | 47.29 | 46.03 |
| (М-1$\sigma$-М+1$\sigma$) | 75 | 10283 | 47.94 | 46.58 | 73 | 9917 | 47.40 | 46.13 |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 76 | 10414 | 48.13 | 46.73 | 74 | 10003 | 47.51 | 46.23 |
| | 77 | 10545 | 48.32 | 46.83 | 75 | 10089 | 47.62 | 46.33 |
| | 78 | 10676 | 48.51 | 46.98 | 76 | 10175 | 47.73 | 46.43 |
| Ўртадан юқори | | | | | 77 | 10261 | 47.84 | 46.53 |
| (M+1 $\sigma$ -M+2 $\sigma$ ) | | | | | 78 | 10347 | 47.95 | 46.63 |
| Юқори | 79 | 10807 | 48.70 | 47.13 | 79 | 10433 | 48.06 | 46.73 |
| (M+2 $\sigma$ ва ундан | 80 | 10938 | 48.89 | 47.28 | 80 | 10519 | 48.17 | 46.83 |
| юқори) | 81 | 11068 | 49.08 | 47.43 | 81 | 10605 | 48.28 | 46.93 |
| M | | | | | | | | |
| $\sigma$ | | | | | | | | |
| $R_{y/x}$ | 75.65<br>1.96 | 10368 | 48.06 | 46.68 | 75.05 | 10093 | 47.63 | 46.34 |
| $\sigma_R$ | | 131 | 0.19 | 0.15 | 2.75 | 86 | 0.11 | 0.10 |
| | | 420.8 | 1.26 | 1.06 | | 551.5 | 1.04 | 1.00 |

Ҳозирги вақтда жисмоний ривожланишларга аҳоли саломатлигини асосий кўрсаткичларидан бири бўлишига қарамасдан, у махсус стратегик ҳисоботларга киритилмаган, шунинг учун ҳам уларни туманлар, шаҳарлар, вилоятлар орасида таққослаш имкониятига эга эмасмиз. Бунинг учун эса махсус илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши керак. Вилоятлар, шаҳар ва қишлоқ болалари орасида махсус кузатишлар олиб бориш натижасида жисмоний ривожланишнинг илмий асосланган статдартларини тузиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда болаларга даволаш-профилактика ёрдамини ташкил этиш деганда - болалар тугилганидан бошлаб, то улар ўрта мактабни тугатгунга қадар узлуксиз малакали тиббий ёрдамни таъминлайдиган давлат тизими тушунилади.

Ушбу тизим барча асосий тиббий муассасаларнинг фаолиятларини мувофиқлаштирган ҳолда болаларга даволаш-профилактика ёрдамини ташкил этади: болалар поликлиникаси, болалар касалхонаси, мактабгача таълим, мактаб, академик лицей, санатория ва бошқа соғломлаштириш ҳамда таълим-тарбия муассасалари.

Илмий тадқиқотларнинг натижаси ўларoқ, ҳозирги кунда бизнинг республикамизда болаларни бешта салотлик гуруҳига бўлиш таклиф этилган:

1-гуруҳни - соғлом болалар ташкил этади.

2-гуруҳ - соғлом, аммо хавфли риск омилларга эга бўлган болалар. 3,4,5 гуруҳга - тегишли равишда касаллик жараёни компенсация, субкомпенсация ва декомпенсация ҳолатидаги бемор болалар.

1-гуруҳга кирувчи болалар - соғлом болаларни - профилактик кўрикдан ўтказиш муддатларига мос ҳолда кузатиб борилади.

Юқорида қайд этилганидек, бу гуруҳдаги болаларга одатда врач профилактик, соғломлаштириш ва тўғри тарбиялаш бўйича тадбирлар белгилайди.

2-гуруҳга - кирувчи касалликка чалиниши хавфи бўлган болалар врачнинг диққат эътиборли бўлишни талаб этади. Чунки ўз вақтида, мақсадли ўтказилган профилактик, даваолаш-соғломлаштириш тадбррлари уларда сурункали хасталикларни пайдо бўлишининг олдини олишда катта самара беради.

Ушбу гурухдаги болаларини динамик кузатишлар сони ва муддатини ҳар бир боланинг функционал ҳолати, резистентлиги, сурункали касалликларнинг пайдо бўлиши даражасига қараб индивидуал тартибда белгилайди. Айрим ҳолларда ушбу гурухдаги болаларда ихтисослашган даволаш-соғломлаштириш тадбирлари ҳам ўтказилади.

2,3,4 саломатлик гуруҳларини ташкил этган болалар педиатр ва тегишли мутахассисларда диспансер назорати остида бўлади ва улардаги мавжуд касалликлардан келиб чиққан ҳолда даволанадилар. Болаларни уларга дифференциялашган мақсадли ёрдам беришга имконият яратади. Педиатрия участкасидаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига ва мактабга боришга тайёрлаш профилактик ишини муҳим бўлаги ҳисобланади. Ушбу тадбир 2 қисмдан, яъни умумий ва хусусий - махсус тайёргарлик қисмларидан иборат,

Умумий тайёрлаш - болаларни жсмоний, асаб-руҳий ривожланиши, саломатлигини сақлаган ҳолда оилада тарбиялашни тўғри ташкил этиш каби бир-бири билан узвий боУмумий тайёрлаш - болаларни жсмоний, асаб-руҳий ривожланиши, саломатлигини сақлаган ҳолда оилада тарбиялашни тўғри ташкил этиш каби бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган тадбирларни систематик равишда ўтказишни ўз ичига олади.

Хусусий - махсус тайёргарлик қисми қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

-болаларни мактабгача таълим муассасаларига тайёрлаш, уларни жисмонан тўғри тарбиялаш бўйича ҳар ойда ота-оналар орасида санитария - маорифи ишларини олиб бориш;

-участка педиатри ва бошқа врач-мутахассислар томонидан болаларни диспансеризация қилиш, лаборатория текширишдан ўтказиш;

-болаларни саломатлик гуруҳларига ва охирги ўтказилган диспансер кўриги натижаларига қараб уларни соғломлаштириш ва даволаш; носпецифик ҳимоя механизмини, иммунитетни оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиш.

-болаларни мактабгача таълим муассасаларига боришдан 1-2 ой олдин улар орасида учрайдиган ўткир касалликларнинг (ЎРВИ ва грипп) олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар ўтказиш.

**Хужжатларни тўлғизиш**: «Болаларнинг ривожланиш тарихига» ўтказилган соғломлаштириш, диспансеризация натижаларини қайд этиш; тегишли тавсияларни кўрсатган ҳолда болалар муассасалари учун кўчирма эпикриз тузиш;

-болаларни мактабгача тарбия муассасаларига қатнашдаги адаптацион даврини енгиллаштириш учун болалар поликлиникаси ва болалар муассасалари фаолиятини бир-бирига болаларни саломатлиги, уларни кун

тартибини жорий этиш, тарбиялаш каби масалаларга ўзаро ахборотлар беришни ташкил этиш орқали мувофиқлаштириш.

Участка педиатри мунтазам равишда тегишли график асосида болаларни эмлаш ишларини ташкил этади ва уни ўтказилишини доимий назорат қилади.

Болалар хасталанганда уларни ўз вақтида аниқлаш, даволаш, тегишли мутахассислар орқали консультациялар уюштириш орқали участка педиатри даволаш ишларини самарадорлигини ошириб боради.

Ўзбекистонда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонунга ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури»га мувофиқ ҳолда мактабгача таълим ва мактабларда чуқур ислоҳатлар ўткаизмоқда. Шу муносабат билан Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасалари ходимлари олдига мактабгача таълимни, мактаблар шароитида болаларни ўқитишни ҳар томонлама яхшилаш билан бир қторда жисмонан бақувват, ақлан етук, ҳар томонлама баркамол ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг саломатлигини янада яхшилаш каби муҳим вазифалар қўйилган.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун биринчи навбатда мактабгача таълим ва мактаблардаги педагогик ходимлар билан болалар поликлиникаси врачларининг фаолиятини узвийлигини янада кучайтириш лозим.

Болалар жамоаларида тиббий ёрдамни ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш учун поликлиникада, болалар муассасалари, мактабларда ишловчи врачлар ва ҳамширалардан ташкил топган мактабгача таълим -мактаб бўлими ташкил этилади.

Мактабгача таълим - мактаб бўлимининг асосий вазифаси - болалар муассасаларида болаларнинг касалланишини камайтириш, соғлиғини сақлаш бўйича қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширади:

мактабгача таълим муассасаларида, мактабга боришга тайёргарлик кўраётган болаларни текшириш ва улар орасида даволаш-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш;

ташқи муҳитни санитария-гигиеник ҳолати, кун тартибининг асосий компонентлари, айниқса, овқатланиш, жисмоний тарбия, чиниқтириш каби тартибларга амал қилинишни назорат қилиш.

болаларнинг соғлиғини мунтазам кузатиб бориш, соғлом болаларни режа асосида диспансер назоратидан ўтказиш;

тиббий кўрик даврида аниқланган бемор болаларни даволаш, фаол равишда диспансер кузатувини олиб бориш;

ўткир касалликларнинг олдини олиш буйича профилактик тадбирлар ўтказиш;

ота-оналар, тарбиячилар, педагоглар, техник хизматчилар ўтасида санитария-моарифи ишларини ташкил этиш;

ёзги соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш;

мактабгача таълим муассасалари, мактаблар фаолияти, умуман олганда бўлим фаолиятини таҳлил этиш асосида соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш.

Мактабгача таълим, мактабларда ишловчи врач ва ҳамширалар ишини назорат килиш мақсадида поликлиника бош врачи даврий равишда болалар муассасаларига ташриф буюради, ходимлар ҳисоботини эшитади.

Мактабларда жисмоний тарбияни тўгри ташкил этиганлиги, ўтказилаётганлиги устидан врач назорати ўрнатилади. Ушбу врач назорати қўйидагилардан иборат:

-Жисмоний машғулот дарсларида шуғулланиш учун гуруҳлар тузиш мақсадида болаларнинг жисмоний ривожланганлиги ва саломатлигинимунтазам кузатиб боради, спорт секциялари, туристик поход ва мусобақаларда қатнашиш учун рухсатнома беради.

-Жисмоний маданият дарслари, жисмоний тарбия орасидаги танафусслар, секция машгулотлари ва мусобақалар ўтказиш усулларива уларнинг мазмуни устидан врач - педагогик кузатишлар олиб боради.

-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари ўтказиладиган жой ва уларнинг шароити устидан санитария-гигиеник назорат ўрнатади. Махсус гуруҳлар билан олиб бориладиган жисмоний машғулот дарсларини кузатиб боради.

-Жисмоний тарбия масалалари буйича санитария - маорифи ишларини олиб боради.

-Шикастланишларнинг, жароҳатланишларнинг олдини олиш ва унда биринчи ёрдам кўрсатиш.

Барча мактаб болалари жисмоний маданият дарсларини ўтиш учун 3 гуруҳга бўлинади: асосий, тайёрлов ва махсус гуруҳларга, Охирги пайтларда болалар орасида ҳар хил етишмовчиликлар борлигини ўз вақтида аниқлаш ва тиббий кўриклар самарадорлигини ошириш мақсадида педиатрияда оммавий диагностик скрининг тестларидан кенг фойдаланилмокда.

Мактаб болалари саломатлигини оммавий скрининг тестлар орқали назорат қилиш қуйидаги босқичлардан иборат:

босқич - скриннг текшириш (асосан ҳамшира ўтказади);

босқич - тест ёрдамида ажратиб олинган болаларни врач томонидан текшириш;

босқич - врач томонидан юборилган болаларни мутахассислар текширувидан ўтказиш.

Ушбу скрининг тестлари асосан ўрта тиббит ходимини болалар саломатлигини кузатиш борасидаги ролини оширади.

Врачлар ва тумахассислар вақтидан унумли фойдаланиш ва шу билан бир қаторда болалар саломатлигини бошланғич чекиниш даврида профилактика тадбирларини ўтказиш имконини беради.

6 ойликдан 5 ёшгача бўлган гўдаклар ва болаларга тавсия қилинадиган озиқ - овқат маҳсулотлари

Кўкрак сути 2 ёшгача бўлган ва ундан катта болалар учун озуқа моддаларининг асосий манбаидир. 6 ойлик бўлгач (180 кун), болангиз кўкрак сути билан бирга бошқа озука моддалари ва суюкликларга муҳтож бўлади. Ушбу саҳифада тавсия қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларига мисоллар

келтирилган. Кейинги саҳифаларда эса Фарзандингизни турли ёшда озиқлантириш даврийлиги ва усуллари бўйича тавсиялар келтирилган.
г Асосий озиқ - овқат маҳсулотлари Фарзандингизга қувват беради. Бундай маҳсулотларга бошоқлилар (гурунч, бугдой, маккажўхори, тариқ), илдизмевали ўсимликлар (картошка, сабзи) ва мевалар (олама, банан) киради.
' Асосий озиқ-овқат маҳсулотларидаги озуқа моддаларининг ўзи етарли эмас. Сиз болангизга шу билан бирга чорвачилик маҳсулотларини ва бошқа озуқа маҳсулотларини беришингиз лозим. Боланингиз рационида қуйидаги хилма хил маҳсулотлар бўлиши лозим:
> Чорвачилик маҳсулотлари: жигар, гўшт, товуқ, балиқ, тухум
> Сутли маҳсулотлар: пишлоқ, йогурт, творог (ва эмизилмайдиган болалар учун сут)
Жўкатлар ва сариқ тусли сабзовотлар: (карам, картошка, сабзи, қовоқ, шолгом).
> Мевалар: олма, шафтоли, ўриқ, банан, апельсин
> Дуккаклилар: ловия, мош -г - ,
> Ёғ ва мойлар: ўсимлик ёғи, сарёғ
' Фарзандингизни асосий озиқ-овқатлар билан бирга юқорида санаб ўтилган гуруҳларга кирувчи озиқ-овқат маҳсулотлари билан боқинг.

**БЕШ ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАРНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

Ушбу ўқув курси ЖССТнинг овқатланиш Департаменти томонидан Женева шаҳрида ишлаб чиқилган (Швейцария). Ушбу ўқув курси Д.И. Ахмедова, Э.О. Шомансурова ва Р.К. Салиходжаева томонидан Ўзбекистон Республикаси учун мослаштирилган.
Ўқув курси соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини ва болалар даволаш муассасаларининг тиббиёт ходимларини ўқитиш, хамда тиббиёт олий ва ўрта махсус таълим юртлари ва ТошВМОнинг укув дастурларига киритиш учун тавсия этилади
Ушбу қўлланма Осиё тараққиёт банки иштирокидаги "Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида чоп этилди.

## Махсус парвариш зарур бўладиган ҳолатлар

Фарзанд ўсиши ёки ривожланишига боғлиқ бирон бир хавотир туғилган такдирда Махсус парвариш талаб қилинадиган ҳолатларга қуйидагилар киради:
Агар бола ривожланишини эгри чизиғи муъёрий диапозондан ташқарида бўлса, бола вазнида етишмовчилик ёки ортикчалик борлигини англатиши мумкин. Бундай ҳолатларда озиқланишни коррекцияси ёки муъёрий ўсишни таъминлаш учун бошқа сабабларни (касаллик) бартараф этиш лозим. . Масалан, ўзгаришлар истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларига,

овқатланиш тезлигига ёки миқдорига тааълукди бўлиши мумкин. Ёки, бола эҳтимол кўпроқ руҳий қўллаб-қувватлашга, рағбатлантиришга, ёхуд жисмоний фаолликка эҳтиёж сезаётган бўлиши мумкин, бу усуллар унга соғлом бўлишга ёрдам беради.

Агар бола танаси вазнида жиддий етишмаслик кузатилса, у тезкор равишда махсус парваришга муҳтож бўлади

Агар бола семизликдан азият чекаётган бўлса, у тиббий кўрикка ва махсус даволашга муҳтож.

Агар онада ўзи ОИТС билан касалланган бўлиши ҳақида гумони бўлса, у маслаҳат олиши ва тест синовидан ўтиши даркор.

Агарда ҳомиладор аёл ёки гўдакнинг онаси ўзида ОИТС вируси борлигини билса, у болани озиқлантириш бўйича қўллаш мумкин бўлган усуллар ҳақида маслаҳат олиши зарур.

Боланинг ёшига нисбатан уйкуси (М. Н. Куинжи, дан олинган)

| Боланинг ёши | Уйку (соат) |
|---|---|
| 7 | Тунда 11+кундузи 1 |
| 8-9 | 11—10,5 |
| 10 | 10,5—10 |
| 11-12 | 10-9 |
| 13— 14 | 9,5—9 |
| 15 | 9—8,5 |
| 16 | 8,5—8 |

Мактаб таълимини гигиеник жихатдан ташкил этишда дарсларнинг сони катта ахамиятга эга. Амалдаги укув режаснга мувофик:

1—3-синфларда кунига 4- тадан, 4-синфда 4—5- тадан, 5—9-синфларда кунига 5—6- тадан, 10—11-синфларда 6- тадан дарс утиш кузда тутилади.

***Танаффус*** - 10 дакикали танаффус дарсдан кейинги чарчокни боса олиши куп йиллик кузатувларда тажриба йули билан аникланган. 2- ёки 3-дарсдан кейинги катта танаффус 30 дакика давом этиши керак. Махаллий шароитларга караб, 2- ва 3-дарслардан кейин 20 дакика давом этадиган иккита катта танаффус булиши мумкин.

**Харфлар ва унсурларининг муайян катта- кичиклиги**

| Укувчиларнинг укиш даври | Харф-ларнинг баланд-лиги (мм) | Асосий чизикларнинг йугонлиги (мм) | Бирлаштирувчи чизик-ларнинг йугонли-ги (мм) | Асосий чизик-лар орасидаги масо-фа(мм) |
|---|---|---|---|---|
| Бошлан-гич | 3 дан кам | 0,3 дан кам | 0,15 дан | 0,6 дан кам |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| синф | эмас | эмас | кам эмас | эмас |
| Кичик синф | 2—2,5 | | | |
| Урта синф | 1,75 дан кам эмас | 0,25 дан кам эмас | 0,08 дан кам эмас | 0,5 дан кам эмас |
| Юкори синф | 1,5 дан кам эмас | 0,25 дан кам эмас | 0,08 дан кам эмас | 0,5 дан кам эмас |

## 3 боб. ВАҚТИНЧА МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗЛИКНИ ЭКСПЕРТИЗАСИ ВА КОРХОНА ХИЗМАТИГА ТААЪЛЛУҚЛИ КЎРСАТКИЧЛАР

Диккатингизга такдим килинаётган услубий кулланма тиббиёт тизимидаги мавжуд булган долзарб муаммоларни тугри ва сифатли ечимига каратилган. Ушбу муаммо билан тизимдаги, айникса, бирламчи бугиндаги фаолият курсатиб келаётган шифокорлар (УАШ) хамда ушбу касб эгаси буламан деган талабалар учун керакли методик хужжат деб биламиз.

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сон «Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартибини белгилайди.

Биринчидан, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси алохида ушбу муаммога диккатини каратган булиб, узининг Карори билан бежиздан тартибга солмаган. Бунинг билан нафакат мехнатга яроксизлик варакасини бериш, балки ушбу ходисаларни сабабларини аниклаш ва бартараф килиш киради. Негаки, меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси шахсни ишдан (ўқишдан) озод қилиш учун асос бўладиган ҳамда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик билан кечадиган касалланишнинг ҳисоби юритиладиган ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 20 мартдаги 25-сон буйруғи билан тасдикланган йурикнома, Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти ва Андижон Давлат тиббиёт институти «Жамоат саломатлиги» кафедраси ходимлари томонидан берилган тушунчалар бизнинг шифокор хамда талабаларимиз учун жуда керакли ва уз вактида чикарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар булиб, уларни амалиётида ва укув жараёнида албатта доимий ва кенг кулланилади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ
### МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗЛИК ВАРАҚАЛАРИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 15-сон, 194-модда)*

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 17 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2667]**

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳамда «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ буюраман:

1. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир А. АЛИМОВ** ***Тошкент ш.,2015 йил 20 март, 25-сон***

ПРИКАЗ
МИНИСТРА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

## ОБ УТВЕРЖДЕНИИ ИНСТРУКЦИИ О ПОРЯДКЕ ВЫДАЧИ ЛИСТКОВ НЕТРУДОСПОСОБНОСТИ

**[Зарегистрирован Министерством юстиции Республики Узбекистан 17 апреля 2015 г. Регистрационный № 2667]**

*Текст акта приводится на узбекском языке.*

**Министр А. АЛИМОВ** ***г. Ташкент, 20 марта 2015 г., № 25***

*Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 20 мартдаги 25-сон буйруғига ИЛОВА*

**Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги**
ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сон «Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси шахсни ишдан озод қилиш, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ёки ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаш учун асос бўладиган ҳамда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик билан кечадиган касалланишнинг ҳисоби юритиладиган ҳужжат ҳисобланади.

Фуқароларнинг касаллиги, шикастланганлиги, ҳомиладорлиги, туққанлиги, оиланинг бетоб аъзосини парваришлаганлиги, протез қўйдирганлиги, санаторий-курортда даволанганлиги, шунингдек соғлиғи ҳолатига кўра бошқа ишга ўтказиш учун ва карантин туфайли меҳнатга вақтинча лаёқатсизлигини экспертиза қилиш натижаларига кўра аниқланган меҳнатга вақтинча лаёқатсизлиги меҳнатга лаёқатсизлик варақаси билан тасдиқланади.

2. Меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси шахсни ишдан (ўқишдан) озод қилиш учун асос бўладиган ҳамда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик билан кечадиган касалланишнинг ҳисоби юритиладиган ҳужжат ҳисобланади.

3. Қуйидагилар меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси билан тасдиқланади:

ўқувчи, талаба, магистрант, клиник ординатор ва катта илмий ходим-изланувчиларнинг ўқишга вақтинча лаёқатсизлиги;

алкоголга қарамлик натижасидаги касалликлар ва жароҳатлар, шунингдек мастлик натижасида олинган жароҳатлар;

ходимларни даврий профилактик тиббий кўрикдан ўтказилганлиги;

ҳарбий хизматга чақирилувчиларни амбулатория ёки стационар шароитда тиббий кўрикдан ўтказилганлиги;

касалликнинг келиб чиқиши касб билан боғлиқлигини аниқлаш юзасидан текширув ўтказилганлиги;

айбланувчи ёки судланувчининг суд ажрими билан тиббий муассасага жойлаштирилганлиги;

амбулатория шароитида ўн тўрт ёшга тўлмаган боланинг парваришга муҳтожлик даври ўн тўрт календарь кундан ошганлиги.

4. Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномалари, қоида тариқасида, давлат соғлиқни сақлаш тизими, шу жумладан, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларига қарашли даволаш-профилактика муассасаларининг даволовчи шифокорлари томонидан берилади.

5. Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларига тегишли даволаш-профилактика муассасалари меҳнатга вақтинча лаёқатсизликни экспертиза қилиш ёки тиббий-меҳнат экспертизаси бўйича етарли малакали ходимга эга бўлган тақдирда, меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномалари беришга ҳақли. Бунда соғлиқни сақлашнинг хусусий тизимидаги даволаш-профилактика муассасаси стационар шароитда фаолият юритаётган бўлиши зарур.

6. Қуйидаги муассасаларнинг шифокорлари меҳнатга лаёқатсизлик варақаси беришга ҳақли эмас:

тез тиббий ёрдам ва қон билан ишлаш хизмати;

шифохоналарнинг қабул бўлимлари;

суд-тиббий экспертиза муассасалари;

пансионат ва санаторий-курортлар, сил касалликлари санаториялари бундан мустасно;

физиотерапия, даволаш физкультураси ва спорт тиббиёти ихтисосликлари бўйича тиббий муассасалар.

7. Олис ҳудудлардаги даволаш профилактика муассасаларида битта даволовчи шифокор фаолият кўрсатган тақдирда, ушбу шифокор Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари (бундан буён матнда соғлиқни сақлаш бошқармалари деб юритилади) бошлиқларининг буйруғига асосан бир ойгача бўлган муддатга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси бериши мумкин.

8. Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ишламайдиган шахсларга, иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътилида бўлган шахсларга (мазкур Йўриқноманинг 29-

банди учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллардан ташқари) ва ҳарбий хизматчиларга берилмайди.

Меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 67-моддасида назарда тутилган ҳолларда бекор қилингандан, ҳарбий хизматчи муддатли ҳарбий хизмат сафидан бўшатилгандан кейин бир ой ичида меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик вужудга келган бўлса, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади.

## 2-боб. Касаллик ва шикастланганлик бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ёки меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномалари бериш

9. Касаллик ва шикастланганлик бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси меҳнатга лаёқатсиз шахс мурожаат қилган ёхуд даволанган даволаш-профилактика муассасаси томонидан меҳнатга лаёқатсизлик аниқланган кундан бошлаб берилади.

Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси ўтказиб юборилган кунларга берилмайди. Мазкур Йўриқноманинг 14-банди, 15-бандининг биринчи хатбошиси ҳамда 25-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Иш куни ёки ўқиш тугаганидан сўнг мурожаат қилинганда меҳнатга лаёқатсизлик аниқланса, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси мурожаат қилинган куни, лекин иш ёки ўқишдан кейинги календарь кунидан озод этилган ҳолда расмийлаштирилади.

Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси бемор шифокор томонидан шахсан кўрикдан ўтказилгандан сўнг меҳнатга лаёқатсизлик аниқланганда берилади. Ташхис клиник ва объектив маълумотлар (шикоятлар, объектив ҳолат) ҳамда лаборатор-инструментал текширувлар натижалари билан тасдиқланади ва тиббий ҳужжатларда қайд қилинади.

10. Амбулатория шароитида даволанишда даволовчи шифокор якка ўзи беш календарь кунигача меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси бериш ҳуқуқига эга.

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик беш календарь кунидан ошганда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномасининг муддати даволовчи шифокор ва бўлим мудири томонидан ҳар сафар ўн календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилади.

11. Меҳнатга лаёқатли шахсларга текширув ва даво муолажалари ишдан (ўқишдан) бўш вақтларда амалга оширилади. Ушбу ҳолатда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси берилмайди.

Иш (ўқиш) вақтида айрим текширувни кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда ёки мураккаб текширувлар (эндоскопия, колоноскопия ва бошқалар) ўтказилганда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси текширув ўтказилган кунга (кунларга) берилади.

12. Хизмат сафари, меҳнат таътили ва бошқа сабабларга кўра яшаш жойида бўлмаган шахсларга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси бемор вақтинча бўлган жойдаги даволаш-профилактика муассасаси томонидан бош шифокор рухсати билан берилади. Беморнинг аҳволи яхшилангач, даволанганлиги тўғрисида амбулатор картасидан кўчирма берилган ҳолда доимий яшаш жойига юборилади.

13. Травматологик ва шошилинч тиббий ёрдам пунктлари, шунингдек вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардаги тиббий врачлик пунктлари

